

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
“ Халк чолғуларида ижрочилик ” кафедраси

Бозоров Шохжахон Нўмонович

“ҒИЖЖАК ИЖРОЧИЛИГИ”

5150700 – Чолғу ижрочилиги (Халк чолғуларида ижрочилик)
йўналиши

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий-ижодий раҳбар: Қ.Назирова

Тошкент-2015

МУНДАРИЖА

Кириш

1 БОБ. ҒИЖЖАК ИХТИСОСЛИГИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

- 1.1. Ғижжак ижрочилиги фани тараққиётининг устувор
йўналишлари**
- 1.2. Ғижжак ихтисослиги фанини ўқитишдаги инновациялар ва
илғор хорижий тажрибалар**

2 БОБ. ҒИЖЖАК СИНФИ ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ

- 2.1. Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи**
- 2.2. Маъруза матни**
- 2.3. Фан юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар,
ишланмалар**
- 2.4. Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан
кўрсатмалар**
- 2.5. Фан мавзулари юзасидан тақдимотлар**
- 2.6. Хулоса ва тавсиялар**

КИРИШ

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол бўлиб камолга етиши учун Республикамиз Президенти ва давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилмоқда. Ёшларимиз илм-фан, ихтирочилик, санъат, маданият, спорт ва ахборот технологиялари соҳасида катта ютуқларга эришиб, дунёга танилишида бу ҳаракатларнинг самараси яққол кўриниб турибди. Албатта, бу борада ўқув муассасаларида фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийларнинг меҳнатлари бекиёс. Улар яратаётган ўқув қўлланма ва дарсликлар ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаб, илм-фан тараққиёти йўлида шахдам одимлаши учун катта омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби маданият ва санъат соҳасида ҳам бу жараён изчиллик билан ривожланмоқда. Хусусан, ўзбек мусиқа санъатининг юксалиши йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хозирги кунга келиб, “Ўзбек халқ чолғулари” таълим йўналиши бўйича най, Ғижжак, рубоб прима, қашқар рубоби, дутор, афғон рубоби, дойра, ғижжак, ғижжак алыт созлари учун қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган “Ғижжак ижрочилиги” ўқув ишланмаси олий мусиқа таълими муассасалари учун мўлжалланган. Ёрдамида бўлажак мутахассисларнинг назарий, илмий, амалий билимларини ўстириш билан бир қаторда уларнинг бадиий, эстетик тарбиясини ва мусиқий – эмоционал хиссиётларини ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтириш мақсад қилиб қўйилди.

Ўқув ишланмада созанданинг ижрочилик техникасини ривожлантириш, такомиллаштириш учун мўлжалланган штрихларни ўзлаштириш тўғрисида маълумотлар, гаммалар устида ишлаш услублари, аппликатурани тўғри танлаш, вибрация кўникмаси ҳақида кўрсатмалар ва мусиқий асарлар устида ишлаш дарслар кетма – кетлиги тизими бўйича берилди. Талаба ижрочилик техникаси юқори даражада бўлиши учун доим дарс тайёрлаш жараёнини мазкур машқларни ижро этиш билан бошлашни

одат қилиши лозим. Ўқув ишланмада берилган бадий асарлар шакл жихатидан таҳлилий, назарий томондан ўрганиш ва ўргатиш услублари, ижро этилишида қўлланиладиган зарур тавсиялар билан тақдим этилмоқда. Шулар билан бир қаторда ғижжакда ўзбек миллий куйларини ўзлаштириш бўйича дарслар берилган. Ђижжак анъанавий ижрочилиги бизга скрипка ижро мактабидан кириб келган услубдан фарқ қилиниши аниқ кўрсатилган. Ўзбек миллий куйларини ўзлаштириш бўйича ижро кўникмалари, безакларнинг нота ёзувида ифодаланиши, ижроси ҳамда ўзбек миллий куйларида қўлланиши зарур бўлган янги альтерация белгилари хақида керакли маълумотлар берилган. Демак, айтиб ўтилганидек муסיкий асарларни хар томонлама синчиклаб, атрофлича, кенг қамровли усулда ўрганиш айнан олий муסיқа таълими муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг олдига қўйилган асосий мақсад десак тўғри бўлади.

1 БОБ. ҒИЖЖАК ИХТИСОСЛИГИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1 Ғижжак ижрочилиги фани таракқиётининг устувор йўналишлари

Ғижжак сози ўзбек халқининг севимли чолғуларидан бўлиб, минг йилдан зиёдроқ давр мобайнида инсонларга маънавий мерос сифатида хизмат қилиб келмоқда. Унинг келиб чиқиши X-XI асрларга бориб тақалади. Ўша даврнинг машҳур файласуф олими Абу Наср Форобий ихтиро қилган камонли чолғу “Ғипчак” деб номланган ва икки торли бўлган. Ғижжак Бобур замонасига келиб уч торли чолғу сифатида шаклланди. “Бобурнома”да айтилишича, ўз даврининг машҳур созандаси Қулмуҳаммад Удий ғижжакка учинчи торни тақиб, юқори ижрочилик маҳоратини намойиш этган¹. XX асрнинг 36-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Ашот Иванович Петросянц раҳбарлигида ўзбек халқ чолғуларини нота ёзуви асосидаги ижрочиликка мосланди. Бу ўз ўрнида ўзбек профессионал мусиқа ижрочилигида муҳим қадам бўлди. 1943-йилда махсус экспериментал лаборатория ташкил этилди ва чолғуларни такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттирди. Бошқа миллий созларимиз қаторида ғижжак сози ҳам муваффақият билан такомиллаштирилди, яъни реконструкция қилинди². Ғижжак оиласига мансуб ғижжак альт, ғижжак бас, ғижжак контрабас чолғулари яратилди. Бу созлар оркестр, ансамбль, квартет, квинтет гуруҳларида ўз ўрнини топди. Ғижжак тўрт торли ва торлар ўзаро (скрипка созланиши каби) квинта, яъни беш товуш оралиғи бўйича созланадиган бўлди. Бу эса ўз ўрнида скрипка ижрочилиги мактабидан фойдаланиб, жаҳон классик композиторларининг мураккаб асарларини ғижжакда ҳам ўрганиб ижро этиш имкониятини юзага

¹М.Тошмухамедов. “Ғижжак дарслиги”Тошкент:“Ўқитувчи”, 1995, 3-бет

²А.И.Петросянц. “Инструментоведение” Тошкент: “Ғафур Ғулом”, 1990, 5-бет

келтирди. Такомиллашган ғижжақда анъанавий ижрочилик учун ҳам кулайликлар кўпайди. Демак, ғижжақ янгидан дунёга келди ва унинг имкониятлари ортди. Нота ёзуви асосида ғижжақ ижрочилиги мактаби шаклланди ва ўзининг самарасини бера бошлади. Бу борада устозларнинг хизматлари катта. Булардан: ғижжақ мактабини яратишда ўзининг бекиёс хиссасини кўшган, жуда кўп шогирдларни тарбиялаган, устоз, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти Обид Ҳолмухамедовдир. Қарийб 50 йилдан ортиқ даврдан бери ёшларга устозлик қилиб келаётган, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг профессори, I Республика танловининг лауреати Мурод Тошмухамедов, доцент Абдувакил Умаров, I Республика конкурсининг лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ботир Расулов, Республика ва Халқаро конкурсларининг лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухрат Йўлдошевларнинг хизматлари катта. Айниқса, Шухрат Йўлдошев ғижжақнинг техник, динамик ва овоз тембри жиҳатдан бой имкониятларини очиб бера олган эди. У нафақат Ўзбекистон, балки чет эл сахналарида ҳам ўзбек ғижжагини кўз-кўз қилиб, мутахассислар ва мусиқа ихлосмандлари кўз ўнгида скрипка учун ёзилган йирик шаклдаги мураккаб асарларни бекаму-кўст ижро этиб, ғижжақ созини, ўзбек созандаси доврўғини дунёга таратган эди. Халқимиз орасида Шухрат Йўлдошев “Ўзбек Паганиниси” тахаллусини олди. Ҳозирда ҳам шинавандалар уни шундай тахаллус билан эслайдилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасида ғижжақ ихтисослиги бўйича устозлар билан бир сафда иқтидорли, ёш ўқитувчилар, Республика танлови ғолиби Умид Эшонхўжаев ва Файзулла Каримов фаолият кўрсатмоқдалар.

“Ќижжақ синфи” таълим йўналишида жуда муҳим ва жиддий талаблар мавжуд. Маълумки, ғижжақ тузилиши жиҳатдан ўзига ҳос мураккабликларга эга. Чолғу дастаси пардаларга ажратиб қўйилмаган. Айнан шу туфайли созанда мусиқа товуши тонларини тоза, интонацион жиҳатдан тиниқ эшитиш сифатига эга бўлиши, ижро пайтида жуда эҳтиёткорлик билан чап қўл

бармоқлари чолғу дастасида аниқ жойини топишини назорат қилиши лозим. Бундай кўникмаларни ривожлантиришда гаммалар ижроси ва сольфеджио, яъни тоза, тиниқ куйлаш дарслари билан мунтазам шуғулланиш яхши самара беради. Ўнг қўлда камоннинг турли ҳаракатлари натижасида ҳосил бўладиган штрихларни аниқ ва мукаммалўзлаштириш лозим. Талабалар штрихлар қандай белгилар билан ифодаланиши, ижро этилиши ва улар қандай таърифланишини жуда яхши билишлари керак. Эндиги навбатда бу кўникмаларни ривожлантириш, нота ёзувидаги янада мураккаброк белгиларнинг моҳиятини ўрганиб, нота матнини ўқиш бўйича ҳам ўз маҳоратларини ўстиришлари лозим. Асарларни ёдлаш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади. Мусиқий хотирани ўсиши ва мустаҳкамланиши учун бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Талабалар турли характер, шакл ва жанрдаги асарларни ёдлашга ҳаракат қилишлари керак. Аввал матн бўйича пухта ўрганиб, кейин асарни шаклан тузилишини таҳлил қилган ҳолда қисмларга ва жумлаларга ажратиб ёдлаш яхши натижа беради.

Постановка-ижро пайтида чолғуни тўғри ушлаб ҳаракат қилиш ҳолатидир. Баъзан созандаларда шаклланган постановкада камчилик ва хатолар учрайди. Ўнг ёки чап қўл нотўғри ҳаракатга ўрганган ҳолатлари ҳам кузатилади. Бунинг сабаби талабалар турли мактабларда тарбияланиб келганликларидадир. Тўғри, баъзан олдинги шаклланган постановкани тўғрилашга ҳаракат қилиш салбий оқибатларини кўрсатиши мумкин. Аммо, тузатиш мумкин бўлган хато ва камчиликлар ҳам учрайди. Албатта бундай хатоларни кечиктирмай тўғрилаш зарур. Айтайлик, чолғу дастасида чап қўл бармоқлари нотўғри ҳаракат қилмоқда. Аслида чап қўл чолғу дастасини тўғри ушлаб ҳаракат қилишида бошмалдоқ 1- бармоққаршисида,кафт эса дастага ёпишмаган ҳолда бўлиши керак. Дастага бармоқлар юмалоқ жойи (ёстикчаси) билан босилади. Кейинги ва янада юқорироқ позицияларда афсуски бошмалдоқ дастлабки позиция ҳолатида қолиб, даста бўйлаб ҳаракат қиладиган 1-,2-,3- 4- бармоқларнинг эркин ҳаракатига жиддий ҳалал беради. Эркин ҳаракат пайдо бўлиши учун қайси позиция жойлашуви бўлишидан

катъий назар бошмалдоқ 1- бармоқ қаршисида ва доим шу ҳолатдан орқада қолмай ҳаракатланиши керак.


Чанг чолғу ижрочилиги фанини ўқитишдаги педтехнологиялар ва илғор хорижий тажрибалар

Бугунги кунга келиб, ҳар соҳаларда бўлгани каби мусиқа санъати, хусусан ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги йўналиши бўйича ҳам янгиликлар вужудга келаяпти. Илғор хориж педагогик технологиялари билан профессор-ўқитувчиларимиз аввало яхши танишиб, ўрганиб, ўзлаштириб, ундай технологияларни чолғу ижрочилиги йўналишида қўллаш мумкин бўлганларидан самарали фойдаланишни йўлга қўймоқдалар. Педагогик технологиялардаги кўпгина методлар, булардан; “Нима учун”, “Бумеранг”, “Синквейн”, “Балиқ склети”, “Нилуфар гули”, “Инсерт” кабилар яхши ўрганилган.

Азалдан мусиқа ижрочилиги устоздан шогирдга анъаналари асосида ўргатиб ва ўрганилиб келинган. Устоздан шогирд якка машғулот орқали дарс олган ва ҳозирги кунда ҳам ихтисослик фани бўйича дарслар якка машғулотлар орқали бажарилади. Оркестр, ансамбль синфлари бўйича эса гуруҳли машғулотлар олиб борилади. Ўзбекистондаги созанда-ансамбли синфи машғулотларида “Бумеранг” методидан фойдаланиб машғулот ўтказишни ҳавола этамиз.

Ўзбекистон халқ артисти, устоз бастакор Ғанижон Тошматовнинг “Гулжамол” куйини ўрганамиз. Ансамбль таркиби ўн олти кишидан иборат. Уларни тўрт кичик гуруҳларга ажратамиз. Асарни тўрт лавҳага бўламиз ва биринчи гуруҳ бошланғич жумлани, иккинчи гуруҳ даромад қисмини, учинчи гуруҳ кичик авж, тўртинчи гуруҳ катта авж қисмини ўрганади. Гуруҳлардаги тўртта созанда-ансамблидан бири ўз гуруҳида қолади, қолган учта созанда-ансамбли биттадан бошқа гуруҳларга киришади ва бошқа гуруҳлардаги созанда-ансамблилар ҳам шу тарзда ўрин алмашади. Мақсад ўз гуруҳидаги ўрганилган мусиқий лавҳани бошқа гуруҳдагиларга ўргатиш ва у

гурухлардаги жумлаларни ўрганиш. Ўргатиш ва ўрганиш натижасида асар ўзлаштирилади.



СИНКВЕЙН

Бу сўз француз тилидан олинган бўлиб, беш мисрали шеър маъносини беради. Синквейн касбий таянч тушунчалар ва ахборотларни синтезлаш ҳамда умумлаштиришда тезкор восита ҳисобланади.

Тузиш қондаси

1. От-битта суз
2. Сифат-иккита суз
3. Феъл учта суз
4. Мавзуга алоқадор тўрттта суздан иборат гап
5. Мавзу мохиятини такрорловчи бир суздан иборат синоним шакллантирилади.

Берилган мисолда «Ғижжак сўзи от, кейин қолган қаторларни қоидага биноан тўлдирамыз.

Куйчан, ёқимли

Чалинади, садоланади, севилади

Ғижжакда Муножот куйи янгради.

Чолғу

СИНКВЕЙН

■ Тушунча-от

■ 2 суздан и борат
сифат

■ 3 суздан и борат
феъл

■ 4 суздан и борат
муносабат

■ 1 суздан и борат
синоним

■ Ғижжак

■ .

■ .

■ .

■ .

“НИМА УЧУН?” методи

Муаммони аниқлаш, тахлил қилиш ва уни ҳал этишни ривожлантиришнинг йўллари ҳамда воситалари. Катта муаммо ва уларни келтириб чиқарувчи кичик муаммолар.

Йирик шаклдаги мураккаб муносиқ асарни ўрганишдаги қийинчиликларни аниқланган катта муаммо деб олсак, уни ўрганишда

бажарилиши зарур бўлган чолғу ижрочилигидаги керакли ижро кўникмалари, булардан; аввало асар матнини беҳато, тўғри ўрганиш, асар муаллифи ижоди билан яхши танишиб чиқиш, асарда учрайдиган ижрочилик техникасига оид қийин кўникмаларни қайта-қайта машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш, асар тахлили, трактовкаси, яъни талқини, динамик жиҳатлари, асарни бошқа етук созандалар ижросида тинглаш в.х.к. Буларнинг ҳаммасини мақсад, яъни мураккаб муסיкий асарни ўзлаштиришдаги кичик муаммолар деб олсак, шу кичик муаммоларни ечиш, яъни навбатма-навбат ўзлаштиришлар пировардида катта муаммо ечилади, ҳал этилади.



2 БОБ. ҒИЖЖАК СИНФИ ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ

2.1. Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи

Кириш

Бакалаврият таълим босқичи учун тузилган мазкур дастур - бакалаврият таълим йўналишининг Чолғу ижрочилиги (Халқ чолғу асбоблари) ихтисослиги бўйича тахсил оладиган талабалар учун мўлжалланган. Дастур Давлат таълим Стандартларига биноан санъат соҳасида бакалаврлар тайёрлаш ўқув режалари асосида тузилган ва ундан ишчи ўқув дастурларини тузишда фойдаланилади.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Ихтисослик (Халқ чолғу асбоблари) фани якка ижрочи, чолғу ўқитувчиси сифатида мустақил касбий иш фаолият кўрсатадиган, юқори мусиқа ижрочилик маҳоратига эга кадрларни тайёрлаш учун муҳим ўрин тутади. Талабанинг асосий раҳбари ҳисобланган мутахассис ўқитувчи уни фақат профессионалгина эмас, балки жамиятнинг бадий дидини, илғор мусиқа санъатини оммалаштира оладиган фаол маданият арбобини ҳам тайёрлайди.

Мазкур фан юзасидан қўйилган асосий мақсад - талаба чолғу ижрочилиги, яккахон ижрочилик, ансамбль, оркестр чолғулари, жаҳон ва ўзбек мусиқа мероси ҳақида тасаввурларга эга бўлиши лозим.

Ихтисослик фанини ўзлаштиришдан келиб чиқадиган вазифалар - талабалар турли йўналишларда билимларга эга бўлганликларини намоён этишларидан иборатдир. Талаба иқтидорини ривожлантиришга имкон даражасида ҳаракат қилиши, унинг ўзига хос жиҳатларини тўла намоён этиши, композиторлар услубида ихтисослашув чолғуси ижрочилигига оид барча бойликлардан фойдаланган ҳолда созандага сабоқ бериш, жаҳон классик ва замонавий композиторларнинг якка чолғу ижрочилигига, оркестрга асарларини ўрганиш, ансамбль, камер ансамбли ижрочилиги

репертуарини ўрганиш, машҳур муסיқачи-ижрочиларнинг магнит-диск ёзувларини эшитиб ўрганиш, миллий ижрочилик услубининг қўллай билиш каби билим ва кўникмаларини намойиш этиши зарур. Қолаверса, муסיқа соҳасидаги ўрта махсус таълим муассасаларида, опера театри ва студиялар, турли ижодий коллективларда, муסיқий маданият муассасаларида ишлаш кўникмаларини олишлари зарур.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Мазкур фанни ўзлаштириш натижасида талаба Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, малака ва кўникмага эга бўлиши назарда тутилади, хусусан:

- якканавоз ва оркестр ижрочилигида муסיқий-амалий кўникмаларни;
- чолғулар бўйича репертуарни ўзлаштиришни;
- чолғуда штрих, динамика ва педализацияни;
- ижро этилаётган асарларни услубини аниқлашни;
- ижрочилик репертуарини танлашни *билиши керак*;
- концерт ва танловларда чиқиш *кўникмаларига эга бўлиши керак*;
- ҳамкасблари чолғуси хусусиятларидаги фарқни аниқлаш;
- концерт амалиёти *малакаларига эга бўлиш керак*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Ихтисослик (Халқ чолғу асбоблари) фани чолғу ижрочилигининг асосий ихтисослик фани ҳисобланади ва у – Камер ансамбли, Квартет синфи, Оркестр синфи, Ансамбль синфи, Концертмейстерлик маҳорати, Дирижёрлик, Фортепиано ансамбли каби кўплаб фанлар билан услубий жиҳатдан узвий муштараклик касб этади. Ўқув режасида кўрсатилган семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасидаги умумкасбий ва ихтисослик фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Фаннинг санъат тизимидаги ўрни

“Ихтисослик” фани асосий фан бўлиб, талабаларда ўзи танлаган чолғу асбобларни пухта эгаллашига ёрдам беради. Унинг санъат тизимидаги ўрнини бадий жамоалардаги чиқишларда, оркестрлар томонидан ижро этилаётган асарларни таълим муассасасида ўрганган билимлари, кўникмаларига асосланган ҳолда юқори савияда ижро этиш билан белгилаш мумкин.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг мазкур фанни ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, синтезаторлар ҳамда мусиқий компьютер дастурларидан фойдаланилади. Якка (амалий) дарсларда замонавий илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Асосий қисм

1-4 курсларда жами 252 соат якка машғулот тарзида.

Бошланғич кўникмалар

Ўқитувчиларнинг биринчи даражали бурчлари – ўқиш ва тарбияни муштарак ҳолда малакали ижрочи-созанда тарбиялаш, амалий машғулотларда ижрочилик санъатига меҳр билан қараш, ўзи танлаган ихтисосликни эъзозлаш, севиб ўрганиш, ўқиш жараёнини тўғри ташкил этиш. Биттадан икки октавалик мажор ва минор гамма, 3-4 та ҳар хил характер услубидаги асарлар ижро этилиниши тавсия қилинади.

Асарларни танлашда ва ўқув тарбия жараёнини тўғри ташкил этишда ҳар бир талабанинг шахсий имконияти, мусиқий қобилияти, мусиқий билим доираси, ижрочилик имкониятлар даражаси эътиборга олинмоғи, бинобарин

синалмаган мураккаб ижро дастурини беришга йўл қўймаслик муаллимдан катъий равишда талаб этилади.

Нотадан равон ўқиш малакаси устида ишлаш

Талабаларга ўқув йиллар жараёнида аввал олган ижрочилик кўникмаларини пухталаштириш ва уларни янада ривожлантириш билан бир каторда ноталарни вароқдан равон ўқиш, нота матнини аниқ, текис, саводли ва эркин ижро этиш, созанда-ижрочиларга қўйиладиган асосий талаблардан бири ҳисобланади. Бу созанда-ижрочиларнинг умумий мусиқий-назарий билим доирасини янада кенгайтиришга катта ҳисса қўшади. Ноталарни вароқдан равон ўқиш тажрибаси барча семестрларда мунтазам равишда олиб борилиши тавсия этилади. Ҳар ўқув йилида биттадан икки октавалик мажор ва минор гаммалар, икктадан этюд ва 7-8 та ҳар хил характер услубидаги асарлар ижро этилиниши тавсия қилинади.

Ижро кўникмаларини ривожлантириш

Қуйи курсда олинган билимларни янада чуқурроқ ўзлаштириш, мусиқий ижрочилик тарихи ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш, таниқли созанда ижрочиларнинг ижрочилик анъаналарини ўрганиш ва ривожлантириш. Мажор ва минор гаммаларнинг ва 7-8 та ҳар хил характер услубидаги асарларни оддийдан мукаммаллашганга қадар ижро этилиниши тавсия қилинади.

Ижрочилик кўникмаларини мукаммаллаштириш.

Ўзлаштирилган ижрочилик кўникмаларини мукаммаллаштириш чолғунинг ижрочилик имкониятларини кенгайтириш ва ижрочилик услубларини янада кенгроқ ўзлаштириш, талабани мустақил равишда машғулоти олиб бориш кўникмаларига йўналтириш, турли хил характерга мансуб асарларни ижро этилиниши тавсия қилинади.

Концерт ижрочилиги

I-IV курс талабалари ҳар бир семестр давомида камида бир маротаба академик ва очик концертларда ёки ҳар йили ўтказиладиган халқ чолғуларида ижрочилик санъатига бағишланган концерт, мусиқа

фестивалларида иштирок этишлари лозим. Мукаммал билимли созандани (мусиқачини) тарбиялашда энг муҳим вазифалардан бири, унинг ижодий ташаббускорлигини, ўқитувчи ёрдамисиз матнни таҳлил эта олиш қобилиятини ўстиришдир. Шу мақсадда дастурларга мустақил равишда тайёрланган асарлар киритилади.

Очиқ концертлар

I-III курс талабаларининг якуний назорат сифатидаги оммавий чиқишлари каби комиссия томонидан баҳоланади. Талабанинг дастури ижросини баҳолашда унинг бутун семестр давомидаги муваффақиятлари назарда тутилиши шарт. Шунингдек, очиқ ва академик концертларда олган баҳоси эътиборга олинади. IV курс талабалари эса ўқув йили давомида камида бир марта битирув диплом дастуридаги асарлари билан очиқ концертлар ва ҳар йили ўтказиладиган фестивалларда қатнашишлари керак.

Ижрочилик техникасини ривожлантириш

Ижрочилик техникасини ривожлантириш устида ишлаш. Бадиий асарларни мустақил равишда таҳлил қилиб ўрганиш. Турли жанрда ёзилган асарларни танлаб, давлат аттестация имтихонига тайёргарлик кўриш; ҳар хил характерда ёзилган пьесалар, концертлар, соната, Рапсодия, фантазиялар ва Ўзбекистон композиторларнинг асарлари ўрганиш. Давлат аттестацияси дастурини аниқлиб, синовларга тайёргарлик кўриш.

Йирик шаклда ёзилган асарлар: концерт, соната, сюита. Иккита пьеса; турли жанрда ёзилган-виртуоз пьеса ва замонавий асарлар. Ўзбекистон композиторларининг турли жанрда ёзилган асарлари ўрганиб ёддан ижро этиш.

Мустақил ишлаш кўникмалари

Талабаларни мустақил равишда машғулотлар олиб бориш кўникмаларини чуқурлаштириш, мустақил равишда ижро дастурини шакллантиришда ёрдам бериш ва икки йилдаги ўзлаштирган ижрочилик маҳоратларини ва ижрочилик техникаларини янада мукаммаллаштириш. Иккитадан икки

октавалик мажор ва минор гамма терциялик гаммалар, иккита этюд ва 7-8 та хар хил характер услубидаги асарлар ижро этилиниши тавсия қилинади.

Сахнавий чиқиш ва махсус концерт кўникмалари

Талабаларни Давлат аттестациясига жиддий равишда тайёргарлик кўрилиши мақсад қилиб кўйилади. Якунловчи IV курс талабаларининг Давлат аттестациясига ихтисослик бўйича ижро дастурини юқори даражада тайёрлаш жараёнини янада жадаллаштириш, чуқурлаштириш, ижро дастурининг бадий жиҳатларини ёритиш, мохирона ижро этиш даражасига эришиш, ўқув йиллари давомида эгалланган ижро имкониятларини намоиш этиш ниятида 5-6 марта сахнавий чиқишлар ва махсус концертлар уюштириш режалаштирилади. Шу тадбирлар орқали битирувчи талабани Давлат аттестациясига юқори савиядаги ижро маҳоратларини кўрсата оладиган ҳолатга тайёргарлик кўриши лозим этилади.

Ижрочилик маҳоратини ривожлантириш устида ишлаш

Академик концерт - асарларни мохирона ижро этиш устида ишлаш. Чолғуда товушни сифатини, тембрини яхшилаш устида ишлаш. Ўзбек халқ мусиқаси, классик асарлар билан бирга замонавий асарларни ўрганишни устида ишлаш. Соната, Сюита, Рапсодия, Концерт ва бошқа асарларни ёддан ижро этиш. Чолғуда ижрочилик маҳоратини ривожлантириш устида ишлаш; мунтазам равишда товушнинг аниқлигига, софлигига, тиниқлигига ва сифатига аҳамият бериб-махсус машқларни ижро этиш. Йирик шаклда ёзилган классик ва замонавий асарларни ўрганиш ва ёддан ижро этиш.

Чолғуда товушни янада тиниқ, равшан ижроси устида ишлаш. Мусиқий асарларни юқори даражада ижро этишда барча ижро усулларида фойдаланиш. Академик концертда мураккаб асарларни ўрганиб юқори натижаларга эришиш. Классик асарлар ва замонавий жанрда ёзилган асарларни ўрганиш, мураккаб усулларни қўллаш, йирик шаклда ёзилган асарлар ўрганиб, ёддан ижро этиш; концерт, соната, фантазия, йирик пьесалар.

Якка (амалий) машғулотларни ташкил қилиш бўйича

кўрсатма ва тавсиялар

Ушбу фан бўйича амалий (якка) машғулотлар олиб борилиши назарда тутилади. Бу – ўрганилган билимларни, амалий кўникмалар орқали мустақкамлаб боришга ёрдам беради. Хусусан, амалий (якка) машғулотларда ҳар бир мавзу юзасидан чолғуни чалиб кўриш, куйларнинг бирор қисмини нотага қараб ижро этиб, тингловчига таъсирчанлиги хусусиятларини такрорий тажрибалар (репетициялар), ижро талқинлари орқали синаб кўриш яхши натижа беради.

Амалий (якка) машғулотлар айрим асарларнинг ижро талқинлари (муסיқий ёзувлари)ни тинглаб кўриш, тажриба (репетиция)лар воситасида ўз ижодий (ёки ижро) йўналишини аниқлаш каби зарур кўникмаларни шакллантиришга қаратилади. Муסיқий ижро ёзуви намуналарини турли услубларда ёзиб олиб сақлаш, садоланиш вариантларини таҳлил орқали ўрганиш вазифалари ҳам қўйилади.

Бакалаврларнинг ижрочилик амалиёти бевосита мутахассислик фани билан боғлиқ. Талабалар бутун ўқиш жараёнида мутахассислик синфида олган билимлари ва ижрочилик кўникмаларини, синов-имтиҳонларда, академик концертларда, синф концертларида, композиторлар ижодига бағишланган кечалар, байрам концертлари, ҳамда Республика ва Халқаро танлов-фестивалларда қатнашишлари, уларни ижрочилик маҳоратларини янада оширишда ёрдам беради.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимни ташкил этишда мазкур фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- дарслик, ўқув қўлланма, махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- янги мушкетий техник воситалар ва технологияларни ўрганиш;
- талабанинг илмий текшириш (ижодий) ишларини (ТИТИ) бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари (ишбилар ўйинлар, дискуссиялар, семинарлар, коллоквиумлар ва б.).

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни ахборот-таълим ресурсларидан, таълим муассасида мавжуд кутубхона, фонотека ва видеотека жамғармасидан, репетиторийлардан, ўқув лабораториялари, овоз ёзуви студиялари, телерадиокомпания каналлари ва концерт залларидан унумли фойдаланишдан, бажарилган ишларнинг таҳлилини баён этишдан иборатдир. Мазкур фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб касбий маҳоратни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни мақсадли амалга ошириш ҳам назарда тутилади

Дастурнинг информатсион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўзлаштиришда таълимнинг замонавий методлари (хусусан, интерфаол), педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ижодий ўқув жараёнида унумли қўлланилади. Ахборот-ресурс марказлари компьютерлари, “Интернет”, “Зиёнет” каби ахборот ресурс тармоқлари, махсус Веб-сайтлар саҳифаларидан унумли фойдаланиш, махсус ўқув адабиётлари – дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, методик

тавсиялар, нота графикаси юзасидан амалий компьютер дастурларидан кенг фойдаланиш назарда тутилади.

Баҳолаш мезони

Ўқув йиллари мобайнида талаба билимини баҳолаш мезонлари рейтинг тизими асосида амалга оширилади:

ЖН – 1 ва 3 ойлари, ўрнатилган тартибда ва тасдиқланган жадвал асосида, ўқитувчи режа асосида ҳар бир талабанинг билим ва кўникмаларини ўзлаштириши, машғулотларга мунтазам равишда қатнашиши, ижодий изланишларини инобатга олган ҳолда 20 баллгача баҳо қўйилади.

ОН - ўрнатилган тартибда ва тасдиқланган жадвал асосида, кафедра режасига биноан 2 ва 4 ойларда бир марта маълум бир микдорда ўзлаштирган билимларини, кафедранинг профессор ўқитувчиларидан бирини таклиф этиб ассистент-ўқитувчи сифатида талабанинг билимлари текширилади ва 15 баллгача баҳоланади.

ЯН – кафедра, кафедра бўлинмалари профессор-ўқитувчилари иштирокида талаба томонидан ўзлаштирган асарлар тингланади (январь, июнь ойларининг иккинчи ярмида) ва 30 баллик тизимда баҳоланади.

2.2. Амалий машғулотлар ишланмаси

Хавола этилаётган дарслар олий мусика таълими бакалавриат босқичининг I, II, III курс семейстрларининг иккинчи ярми, яъни кишки ёки ёзги сессиялар якунидаги имтихонлар учун тайёрлаб топширишга мўлжалланган.

Дастлабки машғулот ўқитувчининг талаба билан танишуви ва суҳбати билан бошланади. Бундан мақсад, ўқитувчи янги талаба қайси мактаб таълимида тарбияланганини, унинг қандай назарий ва амалий кўрсаткичларга эга эканлигини яқиндан билиш. Шулар билан бирга талаба шу давргача қанақа машқ, гамма, этюдларни ўзлаштирганини, қандай шакл ва жанрларда куйлар ўрганганлигини сўраб, ижро маҳорати даражасини албатта эшитиб кўриш керак. Шунга қараб ўқиш жараёнини бошлаш лозим. Демак, талабанинг билимига қараб ўқитувчи томонидан ижрочилик техникасига оид

топширик ва бадий асарлар берилади. Талаба берилган вазифаларни қандай ўзлаштираётгани назорат қилинади. Шу йўсинда навбатма-навбат вазифалар мураккаблиги ўсиб боради.

1-ДАРС

ШТРИХЛАР

Камоннинг торлар устидаги турли хил ҳаракатлари натижасида ранг-баранг товушлар ҳосил қилинади. Булар бир сўз билан штрих деб аталади. Штрихлар ҳар хил бўлади. Улар камонни тордан кўтармай ва сакратиб ижро этиладиган гуруҳларга ажратилади.

КАМОННИ ТОРДАН КЎТАРМАЙ ИЖРО ЭТИЛАДИГАН ШТРИХЛАР

Detashe – бошланғич ва асосий штрихдир. Бу штрих товушларнинг ҳар бирини алоҳида, камонни пастга ва юқорига юргизиш орқали ҳосил қилинади.




Камон ҳаракати пастдан юқорига ёки юқоридан пастга алмашаётганида товушлар узилмаслиги, рафон ва текис уланиши лозим. Деташе асарнинг характери, суръати, динамикасига қараб камоннинг бутун узунлиги билан ҳамда пастки, ўрта ва юқори қисмларида ҳам қўлланади.

Legato – икки ва ундан ортиқ товушларни бир томонга, яъни камонни пастга ёки юқорига ҳаракати бўйича улаб ижро этишдир. Бу штрих орқали ғижжакнинг майин, нафис, куйчанлик сифатлари яққол кўринади. Нечта товуш камон ҳаракатининг бир томонига ижро этилишига қараб, камон ҳам тенг тақсимланиши керак.



Legato бир торда ва бир неча торларда ижро этилиши мумкин, яъни тордан торга ўтиш йўли билан. Бу штрих бир неча торларда ижро этилганида, навбатдаги торга ўтишдан олдин камонни ўша торга аста яқинлаштирилади.

Шунда товушларнинг текислиги, майинлиги ва юмшоқлиги сақлаб қолинади. Ўз ўрнида бу кўникмаларни ўзлаштириш лозим.



Лига чизиғи билан бирлаштирилган ноталарнинг устига ёки остига чизикчалар қўйилган бўлса, унда шу чизикчалар қўйилган ноталар камонни пастга ё юқорига йўналиши бўйича енгил тўхтатиб, ажратиб ижро этилади. Бу штрих **portato** (итальянча – таъкидлаш) дейилади.



Martele штрихи акцент билан бошлаб, узиб чалинади. Камон шахдам, тез тортилади, кескин тўхтатилади ва ўзининг чўзимини тенг ярми ҳисобида пауза ҳосил қилиниши шарт. Martele бундай белги билан ифодаланади.



Martele камоннинг ҳамма қисмида, кўпроқ юқори қисмида ижро этилади.

Markato акцент қўйилган деташие бўлиб, урғу билан бошланади, тугатилишида товуш пасаяди, лекин тўхтатилмайди.



Stakkato – икки ва ундан ортиқ товушларни камоннинг бир томонга йўналиши бўйича узиб-узиб, аммо тордан кўтармасдан ижро этиш. Stakkato штрихи асосан, кўпроқ ҳолларда камонни юқорига йўналишида қўлланади.



Viotti штрихи итальян композитори, скрипкачи Виотти номи билан боғлиқлигини сабаби шундаки, у ўз асарларида шу штрихни кўп қўллаган. Аввал биринчи товуш алоҳида, кейин камонни ҳар бир йўналиши бўйича

иккитадан ноталар чалинади. Бунда иккитадан чалинадиган ноталарнинг биринчиси кучсиз, иккинчиси кучлироқ, бўрттириб ижро этилади. Бу ҳолат товуш чўзимларининг синкопа, яъни кучли ҳисса кучсиз ҳиссага ўтишидек тарзда ифодаланади.



Савол ва топшириқлар:

1. Штрих деганда нималар тушунилади?
2. Штрихлар қандай гуруҳларга ажратилади?
3. Ўрганилган штрихларни таърифлаб беринг.


2-ДАРС

САКРАТИБ ЧАЛИНАДИГАН ШТРИХЛАР


Spikkato штрихи товушлар камоннинг алоҳида, қисқа-қисқа пастга ва юқорига сакратиб амалга ошириладиган ҳаракатидан ҳосил бўлади. Spikkato ўнг қўл панжасининг (кистининг) енгил ҳаракати орқали ижро этилади. Ёзувда ноталарнинг устига нукта билан белгиланади, аммо лига чизиғи билан бирлаштирилмайди. Бу штрихни ижро этишда камоннинг айна керак жойидан фойдаланиш тавсия этилади. Камоннинг бошланиш яъни (колодка) қисмидан ўрта қисмига (аммо тенг ўрта қисми эмас) яқин жойида ижро этилса штрих ўз сифатини тўлиқ кўрсатади. Чунки шу жойда камоннинг таранглик хусусияти кўпроқ.



Stakkato Volant – учар стаккато – худди оддий стаккатодек ёзилади. Баъзан ноталар устига ёки остига сўз билан стаккато волант деб ёзилади, агар ёзилмаган ҳолда асарнинг суръати, характериға қараб ҳам қўлланади. Оддий стаккато камонни тордан кўтармай бир томонга узиб- узиб ижро этилса, учар стаккато камонни бир томонга сакратиб ижро этилади. Демак, бир нечта спиккатоларни камоннинг юқорига йўналиши бўйича сакратиб чалишдир. Тезкор суръатли, шўхчан, завқли асарларда кўп қўлланади.




Sautille – сотийе спиккато штрихининг бир тури. Бу штрих ўнг қўл панжасининг пастга ва юқорига тезкор ҳаракати натижасида камоннинг таранглик маркази орқали амалга оширилади. Иккиталик спиккато дейилса ҳам бўлади, чунки бу штрихда товушлар жуфт берилади. Ҳаракат тезлиги ва камон таранглиги натижасида камон тордан механик тарзда қайтиб сакраши ҳосил бўлиши сабабли сотийе штрихи ижросида тезкорлик қулайроқ амалга оширилади. Спиккато штрихи ижросида эса, камон созанданинг ўнг қўл панжаси ёрдамида ҳар гал енгиллик билан торга махсус ҳаракат орқали ташлаш ва кўтариб олишни бошқариши кераклиги сабабли бир мунча мураккаброқ. Яна бир томони сотийе штрихида товушлар иккитадан ижро этилиши сабабли чап қўл бармоқлари тезкорлик борасида унчалик қийинчиликка дуч келмайди, спиккато штрихининг мураккаблиги эса чап қўл бармоқлари ҳар бир товушни якка, дона-дона, аниқ, тезкор ҳаракатда бажаришидадир. Шунинг учун тезкорлик борасида спиккато сотийе штрихичалик эмас.




Rikoshet – риколшет - камонни ўз оғирлиги билан юқоридан торга ташланади, ҳали инерция кучи тугамай туриб давомига бир нечта товушлар бир томонга сакратиб чалинади. Асосан бу штрих камонни пастга йўналиши бўйича қўлланади. Кўпроқ тезкор, енгил, завқли характердаги асарларда учрайди.

A. Xachaturyan
Uzun-Dara



Шулар билан бир қаторда қуйидаги штрихлар ҳам қўлланади.

Тремоло штрихи ўнг қўл панжасининг эркин, тезкор ҳаракати орқали камонда пастга ва тепага навбатма-навбат ижро этишдир. Тремоло асарларнинг баъзи лавҳаларида ва асосан жўр бўлиш ҳолларида учрайди.



Чап қўлда амалга ошириладиган тремоло – ўнг қўлда ижро этиладиган тремолодан фарқли ўлароқ чап қўл бармоқлари орқали бажарилади. Битта торда (икки ёнма-ён эмас) икки ҳар хил баландликдаги товушларни кетма-кет тезкорлик билан ижро этиш. Бу услуб ҳам кўпроқ жўр бўлиш ҳолларида ишлатилади. Айтайлик, оркестр ижрочилигида асарнинг асосий куй матнини қайсидир чолғулар гуруҳи ижро этипти, уйғунлик ҳамоханглиги (гармония) товушларини чўзиб ушлаб турилиши каби ҳолларда қўлланади.



Яна бир штрих **Coll legno** деб аталади. Бу штрих асосан камоннинг ёғоч қисми билан ва қисман йоли (қили) иштирокида торда ҳаракатлантириб ижро этилади. Ёзувда Col legno сўзи билан белгиланади ва ўша ердан бошлаб камон ёғочи билан чалинади, то ағсо белгиси ёзилган жойгача.



Савол ва топшириқлар:

1. Сакратиб ижро этиладиган штрихларни санаб беринг.
2. Штрихларнинг белгиси, ёзилиши ва ижроси ҳақида маълумот беринг.
3. Тремоло штрихини қандайларини биласиз?

3-ДАРС

ГАММАЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Гаммалар ва арпеджиолар ижрочилик техникасини ўзлаштиришда асосий, шу билан бирга жуда муҳим ўрин тутди. Ижро маҳоратининг такомиллашиб бориши учун созанда мунтазам равишда гаммалар ва арпеджиолар устида ишлаши керак. Бу машғулотлар чап қўл бармоқларининг чолғу дастасида енгил ҳаракатланишини, тезкорлигини қоидавий тарзда ривожланиб боришида ва ўнг қўл ҳаракатлари орқали турли штрихларни яхши ўзлаштиришда албатта ўз самарасини беради. Созанда гаммалар ва арпеджиолар устида ишлар экан, аввало, товуш ҳосил қилиш сифатини, интонация тозалигини назорат қилиб, уни борган сари такомиллашишига эришмоғи лозим. Шу билан бир қаторда метроритмик аниқликка эришиш учун ўзи ҳам турли ритмик вариантлар танлаб машқлар бажариши тавсия этилади. Яна, гаммаларни ўрганишда чап қўл бармоқлари вибрация (тебратиш) ҳаракатини бажариши керак эмас. Ғижжак дастасида айтилик, бирон бир бармоқ жойини топмади, у ҳолатда бармоқнинг вибрация ҳаракати бунга ёрдам бериши мумкин. Асосий мақсад эса вибрация ҳаракатини қўлламасдан интонация тозалигини тўғри бажара олиш ва ғижжак дастасида бармоқлар жойини аниқ топа олишидир. Албатта, бу жараёнда созанда ҳар бир товушни эшитиб, назорат қилиб бориши шарт. Шу сабабдан вибрация кўникмасини қўлламасдан товуш тозалигига эришиш талаб қилинади.

Олий муסיқа таълими муассасасининг талабалари учун уч, тўрт октава ҳажмида гамма ва арпеджиоларни турли штрихларда ўрганиб ўзлаштириш тавсия этилади. Гаммалар аввал деташе штрихида, камонни пастга ва юқорига йўналтириб, тўлиқ овозда чоракталик нота чўзими ҳисобида машқ қилинади. Сўнг легато штрихида иккита саккизталик, тўртта ўн олтиталик, саккизта, ўн иккита ва йигирма тўртта ўн олтиталик ноталарни камоннинг бир томон йўналиши бўйича тенг тақсимлаб машқ қилинади. Эътибор беринг, гаммалар юқорига йўналишда йигирма тўртта, орқага қайтишда ҳам

йигирма тўртта нотадан иборат бўляпти. Аслида, уч октава ҳажмидаги гаммани ҳисобланса, юқорига йўналишда йигирма иккита, энг тепадаги асосий нота икки марта, чунки орқага қайтишда ҳам асосий нотадан бошлаб ижро этилиши сабабли шунча ноталар ҳосил бўлади. Айнан легато штрихининг ижро этиш машқида ҳосил бўлаётган йигирма иккита нота камон тақсимлашда ноқулайлик келтириб чиқаришини назарда тутган ҳолда уч октавали гаммаларнинг юқорига йўналишининг бошланишида ва орқага қайтишининг якунида иккитадан нота қўшиб, жами қирқ саккизта қилиб, тақсимлашга қулай тарзда берилган. Сўнг стаккато, мартле, спиккато ва хоказо ўрганилган штрихларни ҳаммасини навбатма-навбат қўллаб, гаммалар машқи билан шуғулланиш давом эттирилади. Қаранг, бир томондан чолғу дастасида бармоқлар жойлашинини, интонация тозалигини ўзлаштириш ўсиб борса, яна бир томондан камон ҳаракати орқали штрихлар ижроси мустаҳкамланиб боради. Шунингдек талабалар мажор ва минор гаммаларининг қандай тузилиши ҳамда садоланишини яхши билишлари лозим.

Эслатма: *Мажор* – 1 тон, 1 тон, ярим тон, 1 тон, 1 тон, 1 тон, ярим тон.


Уч товушлик – катта терция+кичик терция.

Квартсекстаккорд – тоза кварта+катта терция.


Минор – 1 тон, ярим тон, 1 тон, 1 тон, ярим тон, 1 тон, 1 тон.

Уч товушлик – кичик терция+катта терция.

Квартсекстаккорд – тоза кварта+кичик терция



Lya minor



Минор гаммаларининг гармоник ва мелодик турларини ҳам ўзлаштириш тавсия этилади. Бунда ўзгарадиган поғоналарга тегишли альтерация белгиларини қўйиб машқ қилиш талабанинг ўзидан лозим.

Ўқув жараёни давомида гаммалар квинта айланмаси тартиби бўйича, шунингдек талаба ўрганаётган асарларнинг товуш қаторига монанд равишда танлаб ҳам ўрганилади. Бу эса ўз ўрнида талаба ўрганаётган асарларнинг интонацион тозалигини янада мустаҳкам бўлишига катта фойда беради. Гаммаларни ўрганишда А. Г. Григоряннинг бир неча марта Москванинг “Музыка” нашриёти томонидан чоп этилган “Гаммы и арпеджио” для скрипки, А. Г. Григорян - “Скрипка учун гаммалар ва арпеджиолар” - Қаҳрамон Назиров таржимаси, Т., “Музыка”, 2011й., Қаҳрамон Назиров - олий мусиқа таълими муассасалари учун “Ғижжак” Т., “Музыка” 2012 й. каби ўқув қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Савол ва топшириқлар:

1. Гаммалар созанданинг ижро маҳорати ўсишида қандай ўрин тутади?
2. Нима учун гаммалар ижроси билан шуғулланишда вибрация кўникмаси қўлланмайди?
3. Мажор ва минор гаммаларининг тузилишидаги фарқни айтинг ва куйланг.
4. Нима учун уч октавали гаммаларга ноталар қўшиб берилган?

4-ДАРС

АППЛИКАТУРАНИ ТЎҒРИ ТАНЛАШ

Аппликатура сўзи – (немисча *applicatur*, лотинча *aplico* – қўймоқ, босмоқ маъноларини англатади. Мусиқа ижрочида чолғу дастасига чап қўл бармоқларини қўйиш тартибидир. Аппликатурани тўғри танлаш усуллари созандага бир томондан қулайлик, асарнинг техник жиҳатдан кийин парчаларини ўзлаштиришда ва ижро этишда енгиллик яратиб берса, яна бир томондан ўнг қўлнинг тордан торга ўтавермай, ёки ортиқча ҳаракат қилмасдан ўша вазиятдан эркин чиқишини таъминлайди. Қолаверса тўғри ва қулай аппликатура созанда ижросининг кўринишига профессионал чирой беради.



Аппликатура тўғри қўйилишининг яна муҳим томонлари шундаки, айтишлик, ёзувда асарнинг бошланиш жумлалари (фразалари) ёки кейинги жумлалари учун бармоқлар қўйилган бўлади, аммо ҳамма ноталар устига эмас. Бундай ҳолатларда бармоқларнинг қўйилиш навбатини қандай давом этишига созандада шубҳа ёки иккиланиш пайдо бўлади. Аслида бу вазият оддий. Жумла бошланишида аниқлаб қўйилган позицияга дахлдор бармоққа нисбатан кейинги бармоқлар кетма-кетлиги давом этаверади то бармоқларнинг ўзгариши зарур вазият келгунга қадар. Албатта бу вазиятда бармоқ ўзгариши ёзиб кўрсатилади.



Қаранг, агар учинчи тактда до нотасига иккинчи бармоқ ёзилмаганида, олдинги яъни учинчи позициядаги бармоқлар жойлашиши давом этаверган бўлар эди. Шулар билан бирга икки хил, баъзида уч хил вариантларда аппликатура бериш ҳоллари ҳам кузатилади. Ёзувда ноталар устида биринчи, остида иккинчи, учинчи вариант қавс ичида берилиши ҳам мумкин. Бундай

вазиятларда созанда устки ёки пастки аппликатурада кўрсатилган бармоқлар кетма-кетлигини ўзи учун қулай вариантини танлаб, бир-бирига аралаштирмасдан бажариши лозим.

Савол ва топшириқлар:

1. Аппликатура дегани нима?
2. Қачон бармоқлар кетма-кетлиги ўзгаради?
3. Аппликатура вариантлари қандай танланади?

5-ДАРС

ВИБРАЦИЯ

Камонли чолғуларда товуш садоланишини гўзал, ёқимли, таъсирчан бўлишига хизмат қиладиган асосий кўникмалардан бири вибрациядир. Ғижжак ижрочилигида ҳам вибрация асарнинг бадиийлигини, куйчанлигини, ҳис-ҳаяжонини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Вибрация у ёки бу бармоқ тор устида бирон бир пардани олган ҳолда, унинг оҳанггини галма-гал бироз кўтариб ё пасайтириб ўз жойида тебратиши натижасида амалга оширилади. Айтайлик ля торида биринчи октава си нотасини олиб, масалан биринчи бармоқ билан аста-секин ғижжак дастасини вертикал ҳолати бўйича тор устида асосий харрак ва юқори харрак томонлари бўйлаб бармоқни тебратиб машқ қилишни бошлаймиз. Ўрганиш секин, шошмасдан, вазмин ҳаракатда бўлиши керак. Машқларни садоланаётган оҳангларни эшитиб, назорат қилган ҳолда аста, мулойимлик билан давом эттирамиз. Аввал бошланғич позицияларда, сўнг III-, IV- ва юқори позицияларда навбатма-навбат ўрганилади. Чап қўл бармоқларининг ҳар бири вибрация ҳаракатини бажаради. Бу борада юқорида айтилганидек шошмасдан, вақтидан олдин тезлаштирмасдан ўрганиш тавсия этилади. Акс ҳолда ёқимсиз, титроқи овозда тебратиш ҳосил бўлиб, салбий оқибатларини кўрсатиши мумкин. Машқлар давомида бармоқлар кўникма ҳосил қилганидан кейин, вибрация

ҳаракатининг тезлиги ортади. Асарлар ижросида вибрация куйнинг суръати, хаяжони, характериға қараб қўлланади. Вибрация айниқса куйчан, кантилена характеридаги асарларда муҳим ўрин тутати. Фараз қилинг, бирор-бир алла, сўзсиз қўшиқ ёки асарнинг куйчан қисми ижросида вибрация кўникмаси қўлланмаса, у ҳолда куй бетаъсир, ёқимсиз, ва жонсиз характерда садоланади. Бу албатта ҳеч қайси тингловчига ёқмайди. Шунинг учун вибрация куйнинг қони ва жони ҳисобланади. Куйни ёқимли садолантириб, эшитувчига маъқул бўлишида вибрациянинг муҳим ўрнини доимо ёдда тутиш лозим.

Савол ва топшириқлар:

1. Вибрация ҳаракати қандай ҳосил бўлар экан?
2. Машқ жараёнини кўрсатиб беринг.
3. Вибрация кўникмасининг аҳамиятини таърифлаб беринг.

6-ДАРС

МУСИҚИЙ АСАРЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Ўқитувчи ва талабалар муסיқий асарларни чуқурроқ ўрганишда асар муаллифлари ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлишга ҳаракат қилишлари лозим. Бинобарин, бастакор, композитор қайси даврда яшаб ижод қилган, унинг миллати ким, қандай жанр ва шаклларда асарлар яратганини яхши билиш мақсадга мувофиқ. Таниқли ўзбек композитори Сайфи Жалилнинг ғижжак ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ёзилган концертини таҳлилий ҳамда услубий томондан чуқур ўрганиш мақсадида эътиборингизга ҳавола этилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги давлат мукофоти лауреати, профессор Сайфи Жалилнинг ижоди кўп қиррали бўлиб, ўзининг бадиийлиги билан алоҳида ажралиб туради. У доим ўз халқининг маданий меросига чуқур ҳурматда бўлиб, халқ муסיқасининг оҳанг ҳамда усуллариининг тузилиши асосида ижод қилди, турли жанр ва шаклларда

кўплаб асарлар ёзди. “Самарқанднома” симфонияси, камер оркестри учун “2 – Лирик симфония”, “Тошкент манзаралари” симфоник сюитаси, “Мажнун монологи” вокал – симфоник поэмаси, виолончель учун “Концерт”, скрипка ва симфоник оркестр учун “Концерт”, танбур учун “Қалбимда” куйи ҳамда ўзбек халқ чолғулари ансамбли учун қатор куй ва кўшиқлар яратди. У 1981 йилда ғижжак ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун концерт ёзди. “Концерт” 1982 йили “Ўзбек композиторларининг янги асарларини тинглаш” концертида биринчи марта ижро этилди. Концертнинг биринчи ижрочиси Ўзбек халқ чолғуларида ёш ижрочиларининг III Республика конкурси лауреати Жўра Саидов. У ўз ижро талқинида асарнинг миллий рангларини очиб бера олди.

Сайфи Жалилнинг концерти характер сифатларининг қарама-қаршилиги ва аниқ ҳис ҳаяжонли томонлари билан кишини жалб қилади. Муаллиф асарда айнан халқ куйларини қўлламаган бўлса-да, аммо унинг оригинал темалари ўзбек фольклори услубидан чуқур дарак бераётганини гувоҳи бўламиз. Айниқса, буни концертнинг учинчи қисмидаги ўзбек халқ усуллари, биринчи ва иккинчи қисмидаги куйчан ҳамда гармоник ишланмалар асар ранг-баранглигини кучайтиришида кўрамиз.

Устоз Сайфи Жалил жуда истеъдодли ва таниқли ғижжакчи бўлган. Шунинг учун ғижжакнинг бой имкониятлари, турли нозик сифатлари у томонидан усталик билан очиб берилган. Буларни штрихлар, кўш ноталар, динамика, пиццикато услуби ва чолғунинг куйчанлик сифатларини маҳорат билан қўлланишида кўришимиз мумкин. Масалан, асарнинг иккинчи қисмида чолғунинг ҳамма регистрлари табиий, содда ва чиройли садоланади. Концертнинг ўзгачалиги шундаки, муаллиф чолғу концертининг классик, анъанавий шаклига халқона миллийлик руҳини уйғунлаштира олганидадир.

КОНЦЕРТ ЖАНРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Концерт сўзи италян тилида келишмоқ, биргаликда маъноларини англатса, лотин луғатидаги концертаре сўзи мусобақалашмоқ тушунчаларини билдиради. Балки шу иккала тушунчалар, бир томондан якканавоз созанданинг оркестр билан биргалиги, бошқа томондан улар ўртасидаги беллашув жанрининг ўзига хослигини билдирса ажаб эмас. Концерт – якканавоз чолғу ва оркестр жўрлиги учун йирик шаклдаги асар. Концерт XVII асрда яшаб ижод қилган буюк италян скрипкачиси ва композитори Корелли ижодида аниқ шаклини топди. Корелли ансамбль ва кичикрок оркестрлар учун концерто грассо (катта концертлар) деб номланган концертлар ёзган. Бундай концертлар ҳали якканавоз чолғу ижроси учун эмас эди. Гендель ҳам шу йўсинда концертлар ёзган. Скрипка ва оркестр учун концерт жанрининг яратилиши XVIII асрда яшаб, ижод қилган буюк италян скрипкачиси, композитор А. Вивальдининг хизмати. Вивальди давридан бошлаб, асосий куйнинг ижроси скрипкага топширилди. Шундай қилиб икки четдаги (яъни биринчи ва учинчи) қисмлари тез, ўрта қисми эса секин ижро этиладиган уч қисмли концерт шакли дунёга келди. Бундай шаклда И. С. Бах концертлар ёзган.

Концерт жанрининг кейинги ривожини Моцарт ижодининг даврига тўғри келади. Моцарт имкон қадар моҳирона пассажлар билан тўлдириб, асосий ролни якканавоз чолғуга берди.

XIX асрга келиб, романтизм даври композиторларининг ижодида концерт жанри янада мукаммаллашди. Н. Паганин, Г. Венявский, Ф. Мендельсон ижодларида якканавоз скрипка чолғусининг жуда мураккаб, янги имкониятлари шаклланди. Бир қисмли концертларнинг яратилиши ҳам романтик композиторлар ижодига мансуб.

Ўзбекистонда концерт жанрида асарлар XX асрнинг 40 - йилларида Г. Мушель, Е. Брусиловский И. Акбаровлар томонидан яратилди. Ғижжак учун оригинал асарлар ўтган асрнинг 60- йилларидан кейин яратила бошлади.

Концерт жанрида асарлар кам бўлса-да, аммо яратилди. Жумладан, А. Берлин, С. Жалил, Т. Азимов ёзган концертларни келтириш мумкин. Ҳозирги кунда Мустафо Бафоев ғижжак учун кўп асарлар яратмоқда. Шу ўринда унинг ғижжак учун ёзилган концертини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Савол ва топшириқлар:

1. Муסיкий асарлар устида ишлашни нималардан бошлаш керак?
2. Композитор Сайфи Жалил ижоди ҳақида ўрганганларингизни гапириб беринг.
3. Асарда ғижжак чолғусининг имкониятлари маҳорат билан очиб берилишининг сабаблари нимада?
4. Концерт жанри шаклланиши ҳақида нималарни ўргандингиз?

7-ДАРС

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЭКСПОЗИЦИЯ– соната аллегроси (сонатное аллегро) шаклида, до диез минор товушқаторида (тоналлигида) ёзилган бўлиб, оркестрнинг шахдам, энергияли кириш қисми билан бошланади. Кириш қисмидаги жадал характер якканавоз томонидан ифодаланадиган асосий партияда ҳам сақланиб қолади.

АСОСИЙ ПАРТИЯ –форте динамикаси билан байрамона, мардона характерда, завқ билан ижро этилади.

Allegro ♩ = 120

The musical score is written for violin and piano. It is in 4/4 time, marked Allegro with a tempo of 120 beats per minute. The key signature is E major (three sharps). The score is divided into two systems. The first system consists of two measures. The first measure is marked with a forte 'f' dynamic and an accent. The second measure is marked with a first ending bracket '1'. The second system also consists of two measures. The first measure is marked with a second ending bracket '2'. The second measure is marked with a third ending bracket 'III'. The piano part features a rhythmic pattern of eighth notes and rests, while the violin part features a melodic line with slurs and accents.

Бунда қўлланган мартле штрихининг моҳияти куйни жўшқин ва шахдамлигини оширади. Мартле камонни тордан кўтармай ижро этиладиган штрихлар гурухига киради ва урғу қўйилган детаşe бўлиб, камон шахдам, тез тортилади, кескин тўхтатилади ва ўзининг чўзимини тенг ярми ҳисобида пауза ҳосил қилиниши шарт. Аммо бу ерда мартле штрихини бироз юмшоқроқ ижро этиш тавсия этилади. Ижрочининг камон орқали шахдам ҳаракатлари эса асосий партиянинг характерини ифодалайди. Асосий партия ўзбек халқ куйларига яқин қисқа мотивлардан тузилган. Асосий партия учун усулнинг аниқлиги характерлидир. Бу вазиятда созанда ўткир, жадал овоз садолантиришга эришмоғи лозим, айти пайтда кўпол, ортиқча ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак. Сўнг қисқача боғланиш келади. Бу боғланиш ёрдамчи, иккикчи даражали партияга (побочная партия) динамик ва характер томондан тайёрлаш вазифасини бажаради. Созанда форте динамикаси билан камон орқали бажараётган шахдам, жадал ҳаракатни овоз кучини аста пасайтириб, юмшатиб, детаşe штрихига алмаштириши керак.

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ПАРТИЯ – (ПОБОЧНАЯ) куйчан характерда, якканавоз томонидан ифода этилади. Бу мавзуни (темани) рўёбга чиқиши учун якканавоз ижрочи камонда легато штрихи билан яхши, куйчан товуш садолантириб, интонация тозалигига эришиши лозим. Куйнинг юмшоқ, текис ва нафислиги худди инсоннинг чиройли нафас билан куйлаётганини эслатмоғи керак.



Мавзуни ўзбек халқ куйлари билан узвий боғлиқлиги синкопалашган усулдаги мелизм безакларида яққол кўринади. Шунга ҳам алоҳида этибор бериш керакки, иккинчи даражали партия ижросида қочиримларни ҳар бирини шошмасдан, аниқ, куйлаб ижро этиш зарур.

РИВОЖЛАНИШ – (РАЗРАБОТКА) бўлимида катта интилиш билан динамиканинг ўсиб бориши асосий мақсад қилиб қўйилган. Композитор асосий мавзу мотивини биринчи октава до диез, фа диез ва иккинчи октава фа диез, до диез ноталаридан ўзгартирилган кўринишда навбатма-навбат

тарзда қўллаган. Мотивларнинг кварта оралиғи интонациясида қайтарилиши ривожланишнинг ички турткиси (импульс) бўлиб хизмат қилади.

Шу йўсинда асосий мавзу ривожланиб, катта динамик кўтарилиш билан авж лавҳасига (кульминация) яқинлашилади. Авж лавҳасида асосий усул якканавозда ҳам оркестр ижросида шиддат билан янграйди. Тактдаги биринчи, тўртинчи, еттинчи урғу билан чалинадиган саккизталиклар қўш ноталар (секундали) билан ижро этилади. Бу ерда созанда форте динамикаси билан моҳирона чалишга эришиши лозим. Авж лавҳаси сусайиб, тугаш парчасида иккинчи даражали партиянинг оҳанглари пайдо бўлади. Аста-

секин асар бўлимининг динамик тамонлари ва суръатини таёрлаган ҳолда каденция парчасининг ижросига етиб келинади.

КАДЕНЦИЯ - концертнинг муҳим бўлими ҳисобланади. Ижро зерикарли бўлиб қолмаслиги учун созанда каденциянинг драматургиясини синчиклаб кўриб чиқиши ва уни мантиқан мулоҳазали талқин қилиши лозим. Каденция парчасини жумлаларга ажратиш, (фразировка) яъни фарқлаш, яхшилаб ўйлаб ишлатиладиган динамик ишоралар, шунингдек созанданинг ўзидан кўшиб эркин тарзда ижро этиш сифати (импровизация) каденциянинг муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

Дастлабки икки тактни форте нюансида камонни эркин, кенг тарзда ҳаракатлантириб, деташе ва легато штрихларини қўллаб бошлаш керак, учинчи билан тўртинчи тактларда аста-секин овозни пасайтириш лозим. Бешинчи тактда яримталиқ секстали қўш ноталар кварта ҳамоҳанглиги товушларига ечилади. Бу товушларни тоза, тиниқ, нозиклик билан ижро этиш зарур. Олтинчи, саккизинчи тактларда асосий партиянинг элементлари учрайди ва уларни тўлиқ, кенг овоз билан ижро этилади. Еттинчи ва тўққизинчи тактлар асосий теманинг мотивига қарама- қарши (контраст) характерда, акс садо (эхо) бўлиб эшитилиши керак. Бу ерда ҳам ҳудди бешинчи тактдагидек қўш ноталар ва уларнинг ечилиши камонни текис, аста ҳаракатлантириб, пиано нюансида ижро этилади. Ўнинчи тактдан бошлаб, аста-секин динамик кўтарилиш ва суръатни тезлаштириш бошланади то реприза бўлимигача.



РЕПРИЗА – сезиларли тарзда қисқартирилган. Бе ерда асосий партиянинг мавзуси ўн олтиталик ноталар билан берилган. Якканавознинг асосий мақсади тезкорлик, моҳирона ижродан иборат.



Биринчи қисмни ижро этишда созанда шаклнинг яхлитлигига эришмоғилосим.

Савол ва топшириқлар:

1. Биринчи қисмни шаклан таҳлили бўйича гапириб беринг.
2. Мавзуларни алоҳида ажратиб, номларини айтинг, ижро этинг ва куйланг.
3. Каденция парчасини ижро этилиши ҳақида маълумот беринг.

8-ДАРС

ИККИНЧИ ҚИСМ – АНДАНТЕ – содда уч қисмли шаклда тузилган бўлиб, лирик характерда ёзилган. Бу қисм композитор томонидан “Ғазал” деб номланган. “Сўзсиз кўшиқ” десак мақсадга мувофиқ бўлади. Оркестрнинг

чиройли, юмшоқ кириш қисмидан сўнг табиий товуш қатор элементларини ўзида мужассам этган, ажойиб мавзу якканавоз созанда томонидан тақдим этилади.



Бу куйда тўғридан-тўғри ўзбек ашулаларига ўхшашлик бўлмаса-да, аммо унинг биринчи товушларидан бошлаб сокин, куйчан ўзбек қўшиқлари ёдга келади. Мавзу жуда содда ва маъноли бўлиб, ўзбекона безалган. Асосан, қочиримлар (форшлаг) ишлатилган ва шу билан муаллиф куйни безай олган. Якканавоз созанданинг партияси ижро этилганидан сўнг, оркестр динамик ўсиш билан авж парчасига етиб келади. Мана шу иккинчи қисмнинг динамик жиҳатдан энг юқори, авж (кульминацион) лавҳаси. Ўрта қисмда якканавоз созанда пиано нюансида, оркестр ижросига қарама-қарши (контраст) характерда ўйчанлик билан дардли оҳангда ижросини давом эттириши лозим.

Meno mosso

The musical score is written for piano. It begins with the tempo marking 'Meno mosso'. The first system consists of three measures. The melody in the right hand starts with a half note G4, followed by a quarter note A4, and then a quarter note B4. The left hand accompaniment consists of a series of eighth notes: G3, A3, B3, C4, D4, E4, F4, G4. The second system also consists of three measures. The melody continues with a half note C5, followed by a quarter note B4, and then a quarter note A4. The left hand accompaniment continues with the same eighth note pattern. The score includes various musical notations such as slurs, ties, and dynamic markings like 'p' (piano) and 'sff' (sforzando). Fingerings are indicated by numbers 1, 2, and 3.

Куй йўналишининг узвий боғлиқлиги, бир ритмик хона бошқаси билан алмашишидаги талаб қилинадиган силлиқ ўтишлар мавзу давомида ривожланиб боради. Учрайдиган кўш ноталар камонни текис, тўлиқ ҳаракатлантириб, детаşe штрихи билан, форте нyoансида ижро этилади.

Бошланғич мавзу қайтарилишида ғижжакнинг юқори регистри кўлланган.



Созандадан юқори регистрда чиройли вибрация кўникмасини ишлатиб, тоза, тиниқ интонация билан камонни ортиқча босмасдан ижро этиш талаб қилинади. Иккинчи қисмнинг лирикасига учинчи қисмнинг характери қарама-қарши қўйилган.

Савол ва топшириқлар:

1. Иккинчи қисм шаклини таҳлил қилинг.
2. Мазкур қисм қандай характерда ва унинг номи қандай?
3. Иккинчи қисмнинг ўрта лавҳасида созандага қандай вазифалар юкланган?

9-ДАРС

УЧИНЧИ ҚИСМ ҳам содда уч қисмли шаклда ёзилган. Учинчи қисм бой усуллар билан безатилган. Бу қисмда ўзбек фольклор мусиқа санъатида учрайдиган Самарқанд бешқарсак усуллари усталик билан қўлланилини учратамиз. Усул ўринли тарзда беш ҳиссали ўлчовда берилган 5/8. Урғу (акцент) тактнинг биринчи ва учинчи ҳиссаларига тўғри келади. Оркестр ижросида тўрт тактли кириш қисми (усул) ижро этилганидан сўнг, янги, оригинал мавзунини яққанавоз созанда ифода қилади.



Мавзуда легато, стаккато, спиккато штрихлари ўз навбати билан ўринли тарзда қўлланган. Умуман созанда қўлланилган ижро кўникмаларини бирлаштириб, куйни енгил, эркин тарзда ифодалаши керак. Шундан сўнг мавзу октава баланд ижро этилади. Бунда қўш ноталар, пассажлар учрайди. Оддий бўлмаган беш ҳиссали усулда қўш ноталарни интонацион тоза, тиник чалиш, пассажларни талаб қилинаётган суръатда аниқ ижро этиш якканавоз созанданинг олдига қўйилган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Табиийки, бунинг учун якканавоз созанда ижрочилик техникаси бўйича жуда яхши тайёрланган бўлиб, бу мураккаб ижро услубларини юқори даражада ўзлаштирган бўлиши керак. Шу ўринда гаммалар ижро этилишидаги машқлар, қўш ноталарни ўрганишдаги кўрсатмалардан фойдаланиш шарт ва улар жуда катта фойда беради. Ўрта қисмнинг мавзуси лирик характерда тузилган бўлиб, турли пардаларда айтайлик, қисқа пассажлар кўмагида уланиб ривожланади. Ўн олтиталик нотали пассажлар легато ва спиккато штрихлари билан ифодаланади, уларни енгил ва жозибали қилиб ижро этиш лозим.



Репризада асосий мавзу қайтарилади ва кодага яқинлашилади. Куйнинг динамикаси хар қадамда ўсиб боради. Кодани моҳирлик билан камонни жадал ҳаракатлантириб ижро этиш мақсадга мувофиқ. Бу борада созанда чарчаб қолмаслиги учун динамик имкониятларини тежаб қўллаши мақсадга мувофиқ. Чунки учинчи қисмнинг, умуман асарнинг тугаши баланд овозда бўлиши ижрочи олдига қўйилган муҳим талаблардан ҳисобланади.



Учинчи қисм ўзининг жўшқин характери, усуллар энергияси ва чиройли оҳанглари билан катта таасурот қолдиради.

Концерт усталик билан чолғулаштирилган, оркестр ҳеч қаерда якканавоз созандани босиб кетмайди ва оркестр билан мусобақалашишда ғижжак ўзининг гўзал овози, хилма-хил иимкониятлари билан муносиб ўрнини топган. Сайфи Жалилнинг услубий йўналишини тушуниш, техник маҳорати тўғрисида чуқурроқ билиш учун созанда унинг турли жанр ва шаклдаги асарлари билан яқиндан танишиб, ўрганиши мақсадга мувофиқ.

Савол ва топшириқлар:

1. Учинчи қисм қандай шаклда тузилган ва уни таҳлил қилиб беринг.
2. Куй давомида штрихларнинг қўлланиши қандай?
3. Мавзуларни алоҳида куйлаб, чалиб беришни машқ қилинг.

G'ijjak va o'zbek xalq cholg'ulari orkestri uchun KONSERT

Sayfi Jalil
G'ijjak matni Murod Toshmuxamedov
tahriri ostida

I QISM

Allegro ♩ = 120

F-no

p

f

Solo

f

mf

1

2

III

The musical score is written for the F-no instrument. It begins with a treble clef, a key signature of three sharps (F#, C#, G#), and a common time signature (C). The tempo is marked 'Allegro' with a quarter note equal to 120 beats per minute. The first system shows a piano introduction with a dynamic marking of *p*. The second system features a forte section with a dynamic marking of *f*. The third system is a solo section, marked 'Solo', with a dynamic marking of *f* and a first ending bracket labeled '1'. The fourth system continues the solo with a dynamic marking of *mf* and a second ending bracket labeled '2'. The fifth system concludes the first part with a dynamic marking of *f* and a third ending bracket labeled 'III'.

First system of musical notation. The treble clef staff features a melodic line with a triplet of eighth notes (F#4, G#4, A#4) and a sustained octave chord (F#4, F#5). The piano accompaniment consists of eighth-note chords in the right hand and eighth-note single notes in the left hand.

Second system of musical notation. The treble clef staff includes a triplet of eighth notes (F#4, G#4, A#4) and a melodic phrase with fingerings 1, 2, 4, 2, 0, 2, 1, 4. The piano accompaniment continues with eighth-note chords and single notes.

Third system of musical notation. The treble clef staff features a triplet of eighth notes (F#4, G#4, A#4) and a melodic phrase with fingerings 2, 3, 1, 2, 1, 2. The piano accompaniment includes a *ff* (fortissimo) dynamic marking and sustained octave chords in both hands.

Fourth system of musical notation. The treble clef staff contains a melodic line with a repeat sign. The piano accompaniment features sustained octave chords in both hands, with a repeat sign in the right hand.

First system of musical notation. The key signature is three sharps (F#, C#, G#). The system consists of three staves: a single treble staff and a grand staff (treble and bass). The single treble staff begins with a piano (*p*) dynamic, followed by a mezzo-forte (*mf*) section. It features a melodic line with a trill and a triplet marked with a 'V' and '3'. The grand staff begins with a piano (*p*) dynamic, followed by a mezzo-forte (*mf*) section, and ends with a *legato* marking. The piano part includes chords and a melodic line.

Second system of musical notation. The single treble staff continues the melodic line with a triplet marked '3' and a sequence of notes marked '1', '2', '2'. The grand staff continues with piano accompaniment, including chords and a melodic line.

Third system of musical notation. The single treble staff features a triplet marked '3' and a sequence of notes marked '2', '4', '3', '4'. The grand staff continues with piano accompaniment, including chords and a melodic line.

Fourth system of musical notation. The single treble staff continues the melodic line. The grand staff continues with piano accompaniment, including chords and a melodic line.

First system of musical notation. The treble clef staff features a melodic line with a long slur spanning across the system. The piano accompaniment consists of chords in the right hand and a single-note bass line in the left hand.

Second system of musical notation. The treble clef staff includes fingerings '2' and '2' above the notes, and a dynamic marking of *p* (piano) below the staff. The piano accompaniment continues with chords and a bass line.

Third system of musical notation. The treble clef staff features a slur and fingerings '1' and '4' above the notes, with a dynamic marking of *ff* (fortissimo) below the staff. The piano accompaniment includes chords and a bass line.

Fourth system of musical notation. The treble clef staff includes fingerings '3', '1', '1', '1', '2', and '3' above the notes. The piano accompaniment begins with a dynamic marking of *mf* (mezzo-forte) and features a complex rhythmic pattern in the right hand and a bass line in the left hand.

First system of musical notation. The treble clef staff contains a melody with various ornaments (vibrato, trill, grace notes) and fingerings (2, 1, 2, 1/4, 1/3, 1/2). The piano accompaniment consists of eighth-note patterns in both hands.

Second system of musical notation. The treble clef staff includes a section labeled 'III' with complex fingerings (4, 3, 4, 3, 2, 1, 2, 3, 2, 2, 1, 1, 1, 3, 4) and a section labeled 'IV' with fingerings (4, 3, 2, 2, 3, 4). The piano accompaniment features a steady eighth-note bass line and chords in the right hand.

Third system of musical notation. The treble clef staff begins with a forte (*f*) dynamic marking and includes fingerings (1, 2, 1, 3, 2, 1, 2). The piano accompaniment continues with eighth-note patterns and chords.

Fourth system of musical notation. The treble clef staff starts with a first finger (*1*) and features a melodic line with slurs. The piano accompaniment maintains the eighth-note bass line and chordal accompaniment.

The first system of musical notation consists of a treble and bass staff. The treble staff begins with a treble clef and a key signature of three sharps (F#, C#, G#). It contains a melodic line with eighth and sixteenth notes, including fingerings 1, 2, and 1. The bass staff begins with a bass clef and the same key signature, providing a harmonic accompaniment with chords and single notes.

The second system continues the piece. The treble staff features a melodic line with a fourth finger fingering (4) and a triplet of eighth notes. The bass staff continues with a steady eighth-note accompaniment. The system concludes with a half note in the treble and a quarter note in the bass.

The third system shows further development of the melody. The treble staff includes a triplet of eighth notes and a second finger fingering (2). The bass staff maintains the eighth-note accompaniment. The system ends with a half note in the treble and a quarter note in the bass.

The fourth system features a more active treble staff with sixteenth notes and a double bar line. The bass staff continues with the eighth-note accompaniment. The system concludes with a half note in the treble and a quarter note in the bass.

The first system of musical notation consists of three staves. The top staff is a single melodic line in treble clef, featuring eighth-note patterns. The middle and bottom staves are a grand staff (treble and bass clefs) with chords and eighth-note accompaniment. The key signature has four sharps (F#, C#, G#, D#).

The second system of musical notation consists of three staves. The top staff contains a melodic line with fingerings (2, 3, 1, 3, 1, 2) and slurs. The middle and bottom staves are a grand staff with sustained chords and rests. The key signature has four sharps.

The third system of musical notation consists of three staves. The top staff has a melodic line ending with a fermata. The middle and bottom staves are a grand staff with chords and rests, including a *sf* (sforzando) marking. The key signature has four sharps.

The fourth system of musical notation consists of three staves. The top staff features a complex melodic line with fingerings (3, 2, 0, 1, 2, 1) and a slur. The middle and bottom staves are a grand staff with chords, rests, and dynamic markings *p* (piano) and *sf* (sforzando). The key signature has four sharps.

Cadenza
Moderato ad libitum

First system of musical notation. The treble clef staff begins with a *ff* dynamic marking and a fermata over the first note. It features a descending scale with a fingering of 4 3 2 1. The piano accompaniment consists of chords in the right hand and single notes in the left hand, with a *p* dynamic marking.

Second system of musical notation. The treble clef staff includes a fermata and a fingering of 1 4 1 3. The piano accompaniment features a melodic line in the right hand and a bass line in the left hand, with a *8va* marking indicating an octave shift.

Third system of musical notation. The treble clef staff includes a fingering of 2 0. The piano accompaniment features a melodic line in the right hand and a bass line in the left hand, with a *(8)~1* marking indicating an octave shift.

Fourth system of musical notation. The treble clef staff includes a fingering of 3 4 and a *3* marking. The piano accompaniment features a melodic line in the right hand and a bass line in the left hand, with a *3* marking indicating a triplet.

sfp *ff ff*

p f sf sf ff ff

II QISM


Andante

IV 1 4 3 III 1 2

3 IV 1 1 4 2



First system of musical notation. The treble clef staff contains a melody with a 2-measure rest, followed by eighth notes, a 2-measure rest, and a triplet of eighth notes. The piano accompaniment features chords in the right hand and single notes in the left hand.



Second system of musical notation. The treble clef staff continues the melody with a 2-measure rest, eighth notes, and a half note. The piano accompaniment includes a *p* (piano) dynamic marking and features chords in the right hand and single notes in the left hand.



Third system of musical notation. The treble clef staff features a 1-measure rest, eighth notes, a 2-measure rest, and a 4-measure rest. The piano accompaniment includes a *f* (forte) dynamic marking and features chords in the right hand and single notes in the left hand.



Fourth system of musical notation. The treble clef staff contains a 2-measure rest, eighth notes, a 0-measure rest, and a 1-measure rest. The piano accompaniment includes a *f* (forte) dynamic marking and features chords in the right hand and single notes in the left hand.

The first system of musical notation consists of a grand staff with three staves. The top staff is empty. The middle staff contains a melodic line with various accidentals and a dynamic marking of *8^{va}* with a dashed line above it. The bottom staff contains a bass line with chords and a dynamic marking of *b*.

The second system of musical notation consists of a grand staff with three staves. The top staff contains a melodic line with a dynamic marking of *p*. The middle staff contains a melodic line with a dynamic marking of *sf* and a dynamic marking of *p*. The bottom staff contains a bass line with a dynamic marking of *2*.

The third system of musical notation consists of a grand staff with three staves. The top staff contains a melodic line with a dynamic marking of *2*. The middle staff contains a melodic line with a dynamic marking of *b*. The bottom staff contains a bass line with a dynamic marking of *b*.


The fourth system of musical notation consists of a grand staff with three staves. The top staff contains a melodic line with a dynamic marking of *2*. The middle staff contains a melodic line with a dynamic marking of *2*. The bottom staff contains a bass line with a dynamic marking of *2*.




First system of musical notation. The upper staff (treble clef) contains a melodic line with a slur over the first two measures, marked with a '2' above the first measure and '0 1' above the second. The lower staff (bass clef) contains a piano accompaniment with a 'mf' dynamic marking. The key signature has two flats (B-flat and E-flat).



Second system of musical notation. The upper staff (treble clef) contains a melodic line with a slur over the first two measures, marked with a '4' above the first measure and '3' above the second. The lower staff (bass clef) contains a piano accompaniment. The tempo marking 'poco più mosso' is written below the first measure of the upper staff. The key signature has two flats (B-flat and E-flat).



Third system of musical notation. The upper staff (treble clef) contains a melodic line with a slur over the first two measures, marked with a '3' above the first measure and '3' above the second. The lower staff (bass clef) contains a piano accompaniment with a 'f' dynamic marking. The key signature has two flats (B-flat and E-flat).



Fourth system of musical notation. The upper staff (treble clef) contains a melodic line with a 'sf' dynamic marking. The lower staff (bass clef) contains a piano accompaniment with a 'ff' dynamic marking. The key signature has two flats (B-flat and E-flat).

First system of musical notation. The top staff is empty. The middle staff contains a melodic line with a trill marked "8va" and a "rit." (ritardando) marking. The bottom staff contains a bass line with a "rit." marking.

Second system of musical notation. The top staff contains a melodic line with a trill marked "1". The middle staff contains a melodic line with a trill marked "1". The bottom staff contains a bass line with a trill marked "1".

Third system of musical notation. The top staff contains a melodic line with a trill marked "2". The middle staff contains a melodic line with a trill marked "1". The bottom staff contains a bass line with a trill marked "1".

Fourth system of musical notation. The top staff contains a melodic line with a trill marked "2". The middle staff contains a melodic line with a trill marked "0". The bottom staff contains a bass line with a trill marked "0".

The image displays a musical score for 'The Swan' by Camille Saint-Saëns. It consists of two staves: a vocal line (soprano) and a piano accompaniment. The vocal line begins with a treble clef and a key signature of one flat (B-flat). The piano accompaniment is written for both the right and left hands, using treble and bass clefs respectively. The score includes various musical notations such as notes, rests, and dynamic markings like 'pp' (pianissimo). The overall style is characteristic of late 19th-century French music.

Allegro scherzando[illegible]

The musical score for 'The Rose Tree' is presented in three systems. The first system shows the beginning of the piece, with the vocal line starting on a treble clef and the piano accompaniment on grand staves. The key signature is three sharps (F#, C#, G#) and the time signature is 3/4. The vocal line features a melodic line with a trill marked 'V' and a triplet of eighth notes. The piano accompaniment consists of chords in the right hand and single notes in the left hand. The second system continues the vocal melody and piano accompaniment. The third system shows the vocal line ending with a final note and the piano accompaniment concluding with a final chord. The score is written in a clear, professional style with standard musical notation.

First system of musical notation. The treble clef staff contains a melodic line with eighth and sixteenth notes, including two slurs with fingerings '2' and '2'. The piano accompaniment consists of two staves with chords and eighth notes.

Second system of musical notation. The treble clef staff features a complex melodic line with slurs, fingerings (V, 4, 3, 2, 4, 0), and a triplet of eighth notes. The piano accompaniment is marked *mf* and features chords and eighth notes.

Third system of musical notation. The treble clef staff continues the melodic line with slurs, fingerings (4, 2, 2, 2, 0), and a triplet. The piano accompaniment continues with chords and eighth notes.


Fourth system of musical notation. The treble clef staff concludes the melodic line with slurs, fingerings (V, 2, 3, 2, 1, 2, 3, 2, 4), and a final note marked *ff*. The piano accompaniment is marked *f* and features chords and eighth notes.




First system of musical notation. The treble clef staff begins with a melodic line featuring a triplet of eighth notes (F#4, G#4, A4) marked with fingerings 2, 1, and 3. The piano accompaniment consists of a steady eighth-note bass line in the left hand and a more complex eighth-note pattern in the right hand.



Second system of musical notation. The treble clef staff features a series of chords and eighth notes, marked with fingerings 2, 3, and 2. A forte (*f*) dynamic marking is present. The piano accompaniment continues with a consistent eighth-note bass line and chords in the right hand.



Third system of musical notation. The treble clef staff includes a triplet of eighth notes marked with fingerings 1, 4, and 1, followed by a pizzicato (*pizz.*) instruction. The piano accompaniment features a piano (*p*) dynamic in the right hand and a forte (*sf*) dynamic in the left hand towards the end of the system.



Fourth system of musical notation. The treble clef staff has a rest followed by a half note marked *arco* and *mf*. The piano accompaniment includes a forte (*sf*) dynamic in the right hand and a piano (*p*) dynamic in the left hand.

First system of musical notation. The right hand features a melody with a first ending bracket, a triplet of eighth notes, and a fermata. The left hand provides harmonic support with chords and eighth-note patterns.

Second system of musical notation. The right hand continues the melody with a second ending bracket. The left hand continues with harmonic accompaniment.

Third system of musical notation. The right hand includes a fourth measure with a first ending bracket. The left hand features a more active eighth-note accompaniment.

Fourth system of musical notation. The right hand has a complex melodic line with multiple first ending brackets and fingerings. The left hand includes a piano (*p*) dynamic marking and continues with eighth-note accompaniment.



First system of musical notation. The treble clef staff contains a melody with a first ending bracket (1) and a fourth ending bracket (4). The melody includes a trill marked with a '2' and a pizzicato section marked 'pizz.'. The piano accompaniment consists of eighth-note chords in the right hand and eighth-note chords in the left hand. A forte dynamic 'f' is indicated at the end of the system.



Second system of musical notation. The treble clef staff features a trill marked with a '3' and an arco section marked 'arco'. The piano accompaniment includes a forte dynamic 'f' and a piano dynamic 'p'. The system concludes with a trill marked with a '3'.



Third system of musical notation. The treble clef staff contains a trill marked with a '4' and a trill marked with a '3'. The piano accompaniment consists of eighth-note chords in the right hand and eighth-note chords in the left hand.



Fourth system of musical notation. The treble clef staff features a trill marked with a '2', a trill marked with a '2', a trill marked with a '3', and a trill marked with a '4' and a '0'. The piano accompaniment includes a trill marked with a '3' and a trill marked with a '2'.

First system of musical notation. The treble clef staff features a melody with two slurs, each marked with a '2' above it. The piano accompaniment consists of chords in the right hand and single notes in the left hand.

Second system of musical notation. The treble clef staff begins with a rest, followed by a triplet marked '3' and a note marked '0'. The piano accompaniment includes a *cresc.* marking under the first measure. The system concludes with a triplet marked '1'.

Third system of musical notation. The treble clef staff contains a melody with two slurs, each marked with a '2'. The piano accompaniment features chords in the right hand and single notes in the left hand. The system ends with a triplet marked '3' and a sequence of notes marked '4', '3', '1', '3', '4', '5'.

Fourth system of musical notation. The treble clef staff shows a melody with a slur marked '2' and a triplet marked '3'. The piano accompaniment includes chords in the right hand and single notes in the left hand. The system concludes with a slur marked '4'.

First system of musical notation, featuring a treble and bass staff. The treble staff contains a melodic line with fingerings (4, 1, 1, 2, 1, 4) and a dynamic marking of *ff*. The bass staff contains a harmonic accompaniment.

Second system of musical notation, featuring a treble and bass staff. The treble staff contains a melodic line with fingerings (1, 2, 1, 4) and a dynamic marking of *ff*. The bass staff contains a harmonic accompaniment.

10-ДАРС

АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК

Анъанавий ижрочиликда ҳам постановка, яъни ижро пайтида созанда чолғуни тўғри ушлаб ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга. Чап қўлнинг тирсаги ғижжакнинг косасига таянч бўлиши мақсадида қўйилади. Шунда чап қўлнинг бармоқлари чолғу дастасида эркин ҳаракат қила олади. Чап қўл бармоқлари ғижжак дастасига бироз ёни билан босилади, қуйидаги расмда кўрсатилганидек.



Ўнг қўл билан камон анъанавий ижрочиликка мос тарзда ушлаб ҳаракатлантирилади. Ўнг қўлнинг кўрсатгич бармоғини камоннинг ёғоч қисмига, бошмалдоқни эса колодка, яъни камоннинг ёллари (қиллари) бирлаштириб турувчи қисмига қўйиб ушланади. Ўрта ва номсиз бармоқлар ёрдамида созанда камоннинг ёллари ўзи томонга тортиб ушлайди. Бу эса ўз ўрнида ижронинг динамикасини бошқаришда жуда қул келади, яъни баланд овозда ижро этиш лозим бўлса ўрта ва номсиз бармоқлар камоннинг ёллари қаттиқроқ тортиб, паст овозда ижро этиш керак бўлса қуч билан тортмасдан, секин ҳаракат қилинади.



Савол ва топшириқлар:

1. Анъанавий ижрочилик постановкасида чап қўл фаолияти қандайлигини кўрсатиб, тушунтириб беринг.
2. Ўнг қўл ҳаракатини изоҳлаб, амалда кўрсатиб беринг.

11-ДАРС

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУЙЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Ўзбек анъанавий мусиқа ижрочиличини ўзлаштириш талабалар қалбининг тубидан чуқур ўрин олган десак, ҳеч адашмаган бўламиз. Чунки она заминимизда туғилиб, ўсиб, тарбия топаётган барча фарзандларимиз онгида миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, санъатимизни эъзозлаб ўрганиш ва жаҳонга янада танитиш мақсади жўш урмоқда. Талабалар ўзбек халқ чолғуларининг қайси ихтисослиги бўйича шуғулланишларидан қатъий назар, миллий мусиқа санъатини илмий-амалий тарзда ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбек миллий мусиқаси ўзининг куйчанлиги, нозиклиги, чиройли безакларга бойлиги, товуш пардаларининг (чорак ва нимчорак пардалар) мураккаблиги билан ажралиб туради. Айниқса нола ўзбек мусиқа ижрочиличигида миллийликни намоён этувчи асосий ва зарур воситадир. Ғижжак ижрочиличигида нола чиройли ва жуда таъсирчан садоланади. Айнан нола ўзбек она руҳда товуш садолантиришда созанда ўзлаштириши шарт бўлган жуда муҳим кўникмадир. Нола ўзбек камонли чолғулари ижрочиличигидаги ўзига ҳос миллий вибратор. У Европа камонли чолғулари

ижрочилигидаги вибрациядан мутлақо фарқ қилади. Бармоқ ғижжак дастаси бўйлаб тор устида маълум бир товушнинг оҳанг баландлигини бироз кўтариб-пасайтириб асосий ва юқори харраклар томон сирғалтириб кетма-кет тебранма ҳаракат қилиши натижасида нола ҳосил бўлади. Нола ҳаракатининг давомлилиги товуш чўзимлилигига қараб белгиланади. Нола кўникмасини ўзлаштириш учун ҳаракатларни албатта машқлар натижасида мустаҳкамлаш керак. Бунда чап қўл бармоқларининг ҳаммаси (1-,2-,3-,4-) ўз ўрнида иштирок этади. Масалан, очиқ торларда ва очиқ торлардан кейинги биринчи ҳамда бошқа пардаларда биринчи бармоқ тебранма ҳаракатни амалга оширади. Иккинчи бармоқ билан нола ижро этилишида 2- бармоқ асосий, 1- бармоқ ёрдамчи, бирлашган, жипс ҳолда, учинчи бармоқ билан нола ижро этилишида 3- асосий, 2- ёрдамчи баъзан 1- бармоқ ҳам ёрдамчи, бирлашган, жипс ҳолатда ҳаракат қилади. Тўртинчи бармоқ кўпроқ тордан торга ўтиш ҳолларида иштирок этади. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, ўзбек миллий ғижжак ижрочилигида устозлар ғижжакнинг созланишини уч қўл ёки тўрт қўл деб юритишган. Бунинг бойиси анъанавий ижрочиликда ғижжакнинг торлари асосан кварта яъни тўрт товуш оралиғида созланади. Кейинчалик ғижжакнинг имкониятлари кенгйтирилиши натижасида ҳудди скрипка созидек квинта яъни беш товуш оралиғида созланадиган бўлди. Ғижжак кварта оралиғида созланганида тордан торга ўтишлар учинчи бармоқ орқали, квинта оралиғида созланганида эса тўртинчи бармоқ орқали амалга оширилади. Шунинг учун устозлар ғижжакнинг созланишини уч қўл ёки тўрт қўл деб юритишган.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек миллий мусиқаси қандай хусусиятлари билан ажралиб туради?
2. Нола кўникмаси ҳақида тушунча беринг ва амалда кўрсатиб беринг.
3. Ғижжакнинг созланиши ҳақида маълумот беринг.

.

Юқорида айтиб ўтганимиздек ўзбек миллий мусиқаси ўзининг чиройли, хушоҳанг мусиқа безаклари билан ажралиб туради. Эътиборингизга ўзбек миллий куйларини ўрганишда ва ижро этишда қўлланадиган безаклар ҳавола этилади.

ФОРШЛАГ³ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

ЮЗАКИ ФОРШЛАГ⁴ – (нотада ичи бўялмаган ҳолда ёзилади) – ижро этилаётган товуш садоси узилмасдан туриб, бармоқни торга оҳиста сал теккизиш йўли билан, яъни уни босмасдан ижро этилади.



ҚИСҚА ФОРШЛАГ⁵ – (чизик тортилган)

Мусиқанинг характери ва услубига биноан асосий нотани чўзиш ҳисобига ижро этилади.

Ёзилиши

Ижроси



ҚЎШ ФОРШЛАГ⁶– кейинги асосий нотани чўзиш ҳисобига ижро этилади.

Ёзилиши

Ижроси



³Форшлаг немисча vor – аввал ва shlag – урмоқ сўзидан олинган. Ўзбек созандачилигида қочирим деб аталади.

⁴Тошмухамедов М. “Ғижжак тароналари” Т.: Ғофур Ғулом, 1983, 8-б.

⁵Григорян А. Г. “Начальная школа игры на скрипке”. М.: Музгиз, 1961, 127-128-б.

⁶Риман Х. “Музыкальный словарь”. М., 1896, 908-б.

ТРЕЛЬ⁷ – икки ёнма-ён(асосий ва устки ёрдамчи)товушларни тезкорлик билан навбатма-навбат ижро этишдир. Ўзбек анъанавий ижрочилигида трель ҳам кўп қўлланади.

Ёзилиши



Ижроси



ГЛИССАНДО – маълум товушдан бошқа товушгача бармоқни тордан кўтармай, сирғалтириб, узмасдан ижро этиш.



Савол ва топшириқлар:

1. Форшлаг ва унинг турлари ҳақида маълумот беринг.
2. Яна қандай безакларни ўргандингиз?

13-ДАРС

НИМДИЕЗ ВА НИМБЕМОЛЬ

Бутун дунёда қабул қилинган ягона нота ёзувида товушлар оралиғи ярим тон, яъни ярим парда тарзида қилиб белгиланган. Кўп шарқ халқлари қатори, ўзбек анъанавий ижрочилигида ярим пардалар оралиғидаги товушлар бевосита мустақил ўрин тутади. Шу билан бирга, миллий ижрочилигимизда кенг қўлланиладиган чорак пардаларни нота ёзувида белгилаш учун мавжуд $\sharp$ – диез ва $\flat$ – бемоль белгиларидан фойдаланишимиз мумкин.

Диез белгисининг ўнг томондаги чизикчаси ёзилмайди, одатдагидек, пастки ва юқоридаги чизиклари қайси нотага қарашли эканлигини билдиради.

НИМДИЕЗ $\sharp$ – худди диез белгиси каби нота олдида ёзилади ва ўша нота товуши чорак тон, яъни чорак парда юқори оҳангда ижро этилади.

⁷Трель италянча trillare – диррилатиш сўзидан олинган.

НИМБЕМОЛЬ ♭ — бемоль белгисини ичи бўялган ҳолда ёзилади. Бу белги ҳам қайси нота олдига ёзилса, ўша нота товуши чорак парда паст оҳангда ижро этилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ғижжакнинг торлари кварта ёки квинта, яъни тўрт ё беш товуш поғоналари оралиғида соزلанади. Табиийки, шунга қараб, ғижжак дастасида чап қўл бармоқларининг жойлашиши ҳар хил бўлади. Шунинг учун созанда куйларни ўзлаштиришда ва ижро этишда ғижжакнинг у ёки бу созланиши бўйича ҳосил қилган ўз ижро кўникмаларига таяниб, ғижжак дастасида бармоқлар жойлашишини эркин танлаши мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Нимдиез ва нимбемоль белгилари ҳақида қандай тушунчага эга бўлдингиз?
2. Бу белгилар билан ифодаланган товушларни албатта аниқ, тоза куйлашни ва чалишни машқ қилинг.

14-ДАРС

“Бузрук” мақомидан “Насри уззол”

Шашмақом ўзбек мусиқа санъатидаги энг йирик, мумтоз, мураккаб ва машҳур, дурдона асар. Насри уззол Шашмақом таркибига кирувчи олтита мақомнинг (Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ) биринчи, бош қисми, номи ҳам шунга муносиб Бузрук мақомининг наср, яъни ашула бўлимига кирувчи машҳур асар.

Устоз хонанда Асқар Эргашев ижросида Қаҳрамон Назиров томонидан ғижжак учун мослаб нотага кўчирилди.

Албатта, мақом куйларини ижро этиш созанда олдига жуда катта масъулият юклайди. Шу боис асарга жуда жиддийлик билан ёндашиш талаб этилади. Аввало, куй матнини қатъий равишда аниқ ўрганиб, кейин талқин (трактовка) қилиш масаласи ҳал этилиши лозим. Бошланғич жумлалар аста, юмшоқлик билан, кейинги жумла (даромад) тўлиқроқ овоз билан давом этади ва тугатилаётган бўлим жумласи яна оҳиста, нозиклик билан якунланади. Асарнинг ўрта қисмидаги фа диездан бошланадиган бўлим пиано нюансида,

худди куй ичида яна бир куй бошланганидек муносабатда давом этади. Сўнг аста-секин овоз жонлана бориб, ля нимдиез билан бошланадиган жумла баралла овоз билан камонни тўлиқ, кенг тортиб ижро этилади. Албатта, учраётган чорак пардаларга тааллуқли оҳанглар бажарилиши зарур.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, асарнинг мазкур лавҳасида “Муҳайяри чоргоҳ” намудининг сўзсиз ижро этиладиган ҳанг парчаси учрайди. Намуд кўпроқ мақом куйларида ижро этиладиган ўзгармайдиган парча. Намудларнинг турлари кўп. Булардан; “Намуди ироқ”, ”Намуди уззол”, “Намуди баёт”, “Намуди ушшоқ” в.х.к. Масалан, “Насри уззол”даги мазкур намуд “Тошкент ироғи” кўшиғининг авж парчасидаги “Жаҳон афсонаси бўлдим” жумласидан кейинги келадиган сўзсиз (ооооо....) ҳониш бир хил, ўзгаришсиз ижро этилади ва фақат наср усулида келиши билан ўз ўрнини белгилайди.

Демак, бу асар келажакда созанда ўрганадиган янада мураккаброқмақом куйлари учун ҳам замин тайёрлайди, йўл очади.

Савол ва топшириқлар:

1. Асарни жумлаларга ажратиб ўрганинг.
2. Намуд ҳақида нималарни ўргандингиз?

Насри уззол

Moderato ♩=80

Бузрук мақомидан

Ғижжак

p

mp

mf

p

tr

mp

mf

p

trm

A musical score for a single melodic line in treble clef, featuring various dynamics, articulations, and a trill. The score consists of ten staves of music. The key signature has one sharp (F#), and the time signature is 4/4. The notation includes eighth and sixteenth notes, often beamed together, as well as rests and slurs. Dynamics include *mf* (mezzo-forte), *p* (piano), and *rit.* (ritardando). Articulations include accents and a trill (*tr*). The score concludes with a fermata over a half note and a double bar line.

Staff 1: *mf*

Staff 2: *mf*

Staff 3: *mf*

Staff 4: *mf*

Staff 5: *p*

Staff 6: *p*

Staff 7: *tr*

Staff 8: *p*

Staff 9: *rit.*

2.3. Фан юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар


ҒИЖЖАК ЧОЛҒУСИДА ИЖРО ЭТИШ ҲОЛАТИ.

Маълумки ҳар қандай чолғуда ижрога ўргатишдан олдин чолғуга нисбатан тўғри ўтириш, уни тўғри ушлаш, гавдани, оёқ-қўлларни эркин тутиш каби кўникмалар ўзлаштирилади. Бу кўникмаларнинг тўғри ўзлаштирилиши *ижрочилик ҳолати* (яъни постановка)нинг тўғри шаклланишига олиб келади. Постановка-ижро пайтида чолғуни тўғри ушлаб ҳаракат қилиш ҳолатидир. Баъзан созандаларда шаклланган постановкада камчилик ва хатолар учрайди. Ўнг ёки чап қўл нотўғри ҳаракатга ўрганган ҳолатлари ҳам кузатилади. Бунинг сабаби талабалар турли мактабларда тарбияланиб келганликларидадир. Тўғри, баъзан олдинги шаклланган постановкани тўғрилашга ҳаракат қилиш салбий оқибатларини кўрсатиши мумкин. Аммо, тузатиш мумкин бўлган хато ва камчиликлар ҳам учрайди. Албатта бундай хатоларни кечиктирмай тўғрилаш зарур. Айтайлик, чолғу дастасида чап қўл бармоқлари нотўғри ҳаракат қилмоқда. Аслида чап қўл чолғу дастасини тўғри ушлаб ҳаракат қилишида бошмалдоқ 1-бармоққаршисида, кафт эса дастага ёпишмаган ҳолда бўлиши керак. Дастага бармоқлар юмалоқ жойи (ёстикчаси) билан босилади. Кейинги ва янада юқорироқ позицияларда афсуски бошмалдоқ дастлабки позиция ҳолатида қолиб, даста бўйлаб ҳаракат қиладиган 1-,2-,3- 4- бармоқларнинг эркин ҳаракатига жиддий ҳалал беради. Эркин ҳаракат пайдо бўлиши учун қайси позиция жойлашуви бўлишидан қатъий назар бошмалдоқ 1- бармоқ қаршисида ва доим шу ҳолатдан орқада қолмай ҳаракатланиши керак.

Ўнг қўл фаолиятида ҳам нотўғри постановка аломатлари, масалан, қўлнинг елка ва билак қисмлари кўтарилиб ёки пастга тушиб кетиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Ижро пайтидаги тордан торга ўтишларда, енгил штрихларни чалиш вақтида бу ҳол ўз салбий томонларини кўрсатади.

«Қандай» организаторини тўлдиринг

“Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



Жонлантириш учун саволлар:

- Турдош ёки ўхшаш чолғулардан яна қайсиларини биласиз ?
- Ансамбль нима?
- Ихтисослик қандай фан ва унинг моҳияти нимага қаратилган?
- Чолғу учун яратилган ушбу асар, С Жалилнинг гижжак учун ёзилган Концерти қайси тоналликда ёзилган?
- Композиторнинг яна қандай асарларини биласиз?

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қоидаси

1. Асарни ижро этиб, асар фразаси (бўлими) четига қуйидаги белгиларни қўйиб

чиқинг:

В – биламан

+ - мен учун янги маълумот

- - мен билган маълумотни инкор қилади
 - ? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.
2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

2.4. Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўсатмалар

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимни ташкил этишда мазкур фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- дарслик, ўқув қўлланма, махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- янги мушқий техник воситалар ва технологияларни ўрганиш;
- талабанинг илмий текшириш (ижодий) ишларини (ТИТИ) бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларини чуқур ўрганиш;

- фаол ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти (ишбилар ўйинлар, дискуссиялар, семинарлар, коллоквиумлар ва б.).

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни ахборот-таълим ресурсларидан, таълим муассасасида мавжуд кутубхона, фонотека ва видеотека жамғармасидан, репетиторийлардан, ўқув лабораториялари, овоз ёзуви студиялари, телерадиокомпания каналлари ва концерт залларидан унумли фойдаланишдан, бажарилган ишларнинг таҳлилини баён этишдан иборатдир. Мазкур фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб касбий маҳоратни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни мақсадли амалга ошириш ҳам назарда тутилади.

Ўқув йиллари мобайнида талаба билимини баҳолаш мезонлари рейтинг тизими асосида амалга оширилади:

ЖН – 1 ва 3 ойлари, ўрнатилган тартибда ва тасдиқланган жадвал асосида, ўқитувчи режа асосида ҳар бир талабанинг билим ва кўникмаларини ўзлаштириши, машғулотларга мунтазам равишда қатнашиши, ижодий изланишларини инобатга олган ҳолда 20 баллгача баҳо қўйилади.

ОН - ўрнатилган тартибда ва тасдиқланган жадвал асосида, кафедра режасига биноан 2 ва 4 ойларида бир марта маълум бир миқдорда ўзлаштирган билимларини, кафедранинг профессор ўқитувчиларидан бирини таклиф этиб ассистент-ўқитувчи сифатида талабанинг билимлари текширилади ва 15 баллгача баҳоланади.

ЯН – кафедра, кафедра бўлинмалари профессор-ўқитувчилари иштирокида талаба томонидан ўзлаштирган асарлар тингланади (январь, июнь ойларининг иккинчи ярмида) ва 30 баллик тизимда баҳоланади.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ.

1. Энг аввал қайси чолғулар пайдо бўлган?

Дамли чолғулар.

Зарбли чолғулар.

* Шовқинли чолғулар.

Торли чолғулар.

2. Туркистон халқ консерваторияси нечанчи йил ташкил этилган?

1910 йил

1938 йил

1906 йил

*1918 йил

3. Тошкент давлат консерваторияси нечанчи йил ташкил этилган ?

1922 йил

1930 йил

*1936 йил

1924 йил

4. Қайси чолғу Мембранофон гурухига киради?

рубоб

қонун

*ноғора

занг

5. Дони Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғулари давлат оркестри нечанчи

йили ташкил этилган?

1915 йил

1936 йил

1945 йил

*1957 йил

6. Ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштириш ишида ким раҳбарлик қилган?

С.Диденко

Н.Рюхин

И.Акбаров

***А.Петросянц**

7. Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғулари давлат академик оркестри нечанчи йил ташкил этилган?

1916 йил

1934 йил

***1938 йил**

1948 йил

8. Ўзбекистон давлат консерваторияси қачондан бери фаолият кўрсатмоқда?

1986 йил

1998 йил

2000 йил

***2002 йил**

9. “Сўғдиёна” номидаги давлат халқ чолғу камер оркестри нечанчи йили ташкил этилган?

1959 йил.

1985 йил.

*** 1991 йил.**

1998 йил.

10. Туркистон халқ консерваториясининг Самарқанд шаҳридаги бўлими нечанчи йил ташкил этилган ?

1886 йил.

1910 йил.

***1920 йил.**

1924 йил.

11. Н.Миронов нечанчи йили Т.Жалилов тузган оркестрдан 24 кишини ажратиб олиб уларга нота орқали чалишни ўргатади?

1875 йили

1898 йили

1921 йили

*1937 йили

12. Ўзбек халқ чолғулари кафедрасига ким раҳбарлик қилган?

И.Ақбаров

С.Диденко

*А. Петросянц

Кевхоянц

13. Ўзбек халқ чолғулари факультети нечанчи йили ташкил этилган?

1894 йил

1996 йил

* 1949 йил

1936 йил

14. 1952 йилда халқ чолғулари факультетини битирган биринчи чангчи?

* А.Одилов

Р.Нигматов

А.Лутфуллаев

Ф.Шукурова

15. А.Петросянц билан бирга яна қайси уста чолғуларни такомиллаштириш ишида фаол иштирок этган?

И.Ақбаров

* С.Диденко

Б.Отаев

Б.Абдурахмонов

16. Чолғуларни такомиллаштиришда нечта масалага асосий урғу берилган?

* 5 та

3 та

8 та

2 та

17. Чолғулар нима сабабдан такомиллаштирилган?

* кўп оловзли оркестр тузиш учун.

ансамбль ижроси учун.

якка ижро учун.

миллий асарларни ижро этиш учун.

18. Халқ чолғулари кафедраси нечанчи йил ташкил топган?

1936 йил

1941 йил

*1948 йил

1951 йил

19. Халқ чолғулари бўйича биринчи конкурс нечанчи йили ўтказилган?

1965 йил

*1971 йил

1973 йил

1976 йил

20. 1952 йили халқ чолғулари факультетини битирган биринчи қашқар рубобчи:

М.Мирзаев

* Ф.Васильев

Х.Набиев

С.Тахалов

21. 1952 йили халқ чолғулари факультетини битирган биринчи рубоб примачи:

М.Мирзаев

*В.Борисенко

Х.Набиев

С.Тахалов

22. 1952 йили халқ чолғулари факультетини битирган биринчи Чангчи:

А.Лутфуллаев

*А.Одилов

Б.Абдурахмонов

Ф.Шукурова

23. Биринчи чангчи аёл ким?

Д.Абророва

*Ф.Шукурова

Ф.Абдурахимова

Р.Ходжаева

24. Биринчи аёл дирижёр ким?

М.Акмалжонова

Д.Абророва

Х.Холматова

*Д.Абдурахмонова

25. Афғон рубоби дарслигининг муаллифи ким?

РХоджаев

*Ғ.Эргашев

А.Умаров

М.Тошмухамедов

26. Рубоб прима дарслигининг муаллифи ким?

Р.Нигматов

Ғ.Эргашев

А.Умаров

*А.Дадамухамедов

27. Доира дарслигининг муаллифи ким?

*И.Икромов

Х.Худайназаров

А.Умаров

Қ.Назирова

28. Чолғушунослик (Инструментоведение) китобининг муаллифи ким?

И.Ақбаров

*А.Петросянц

Б.Гиенко

Ф.Содиқо

29. “Ўзбекистон дирижёрлари” номли китоб муаллифи ким?

А.Лутфуллаев

Ф.Шукурова

Г.Кузнецова

*К.Азимов

30. Дутор бас қайси ўзбек халқ чолғулари билан бир хил созланади?

афғон рубоби

рубоб прима

Ғижжак

* Ғижжак бас

31. Дутор бас бўйича биринчи дарслик ким томонидан ёзилган?

*А. Назаров

Ф.Васильев

А.Одилов

М.Тошмухамедов

32. Кўпроқ қайси чолғуларга мўлжалланган асарларни дутор басда ижро этиш мумкин?

рубобга

Ғижжакга

*Ғижжак басга

дуторга

33. Қуйидаги чолғулардан қай бири транспорт қилинади?

Най

доира

ноғора

*қашқар рубоби

34. Қуйидаги асбоблардан қайси бири ўзбек халқ чолғуларига кirmaйди?

дутор

*сетор

Ғижжак

ғижжак

35. Рубоб прима бўйича Аббос Бахромов қайси шаҳарда ёшлар ва талабалар жаҳон фестивалида танлов соҳиби бўлган?

*Бухарест

Тошкент

Москва

Япония

36. Энг кўп симфония ёзган ўзбек композиторини аниқланг?

М.Бафоев

Ф.Алимов

*М. Тожиев

О.Абдуллаева

37. Тошкент давлат консерваторияси нечанчи йили ташкил этилган?

1910 йил

*1936 йил

1942 йил

1945 йил

38. Альтерация белгиси нима?

*товуш баландлигини ўзгартирувчи

асар тоналлигини ўзгартирувчи

асар тезлигини ўзгартирувчи

асар характерини ўзгартирувчи

39. Фа-# мажорда қанча белги мавжуд?

2 та

4 та

5 та

*6 та

40. Соль-диез минорда қанча белги мавжуд?

2 та

4 та

3 та

*5 та

41. До # мажорда қанча белги мавжуд?

2 та

4 та

*7 та

5 та

42. До # минорда қанча белги мавжуд?

2 та

*4 та

6 та

5 та

43. Ре бемоль мажорда қанча белги мавжуд?

2 та

4 та

*5 та

3 та

44. Ре минорда қанча белги мавжуд?

*1 та

2 та

4 та

3 та

45. Фа минорда қанча белги мавжуд?

2 та

3 та

*4 та

5 та

46. Соль минорда қанча белги мавжуд?

1 та

*2 та

3 та

4 та

47. Рубобда нечта таянч нуқтаси бор?

2 та

*4 та

6 та

1 та

48. Ғижжакда нечта таянч нуқтаси бор?

1 та

3 та

*2 та

4 та

49. Афғон рубобида нечта таянч нуқтаси бор?

1 та

2 та

3 та

*4 та

50 .Рубоб примада нечта таянч нуқтаси бор?

2 та

3 та

*4 та

5 та

ГЛОССАРИЙ

Ушбу атамалар глоссарийсида маърузалар ва амалий машғулотларда келтирилган атамаларнинг қисқача изоҳи келтирилган.

Мазкур қўлланма нафақат олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими мусика санъати таълим йўналишлари ва мутахассисликлари талабаларига, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва аспирантлар ҳамда кенг жамоатчилик учун ҳам фойдалидир.

Ижрочилик тамойиллари:

1. Чолғу созида эришилган техник маҳоратни мусиқанинг бадиий мазмунини очиб беришга хизмат қилдириш.
2. Чолғу асбобида юксак бадиий ифодали ижро қилиш, «чолғуни куйлатиш».
3. Беназир бадиий ижро, яъни композитор фикрига ҳамоҳанглик, белгиланган мақсаддан четлашмаслик.
4. Саҳнадаги ташқи кўринишда оддийлик, ҳар хил услуб ва йўналишларга эргашмаслик.

Ана шу тамойиллар келгусида шогирдлар етиштиришнинг асосий негизи бўлиб хизмат қилади.

Мусиқий асар:

Маълум бир мусиқий асар Б.Асафьев таъбири билан айтганда уч хил кўринишда мавжуд бўлади.

1. Бу нота матни, яъни ёзув асосида.
2. Ижрочи томонидан талқин қилинган жонли ижрода.
3. Тингловчининг ҳаётий тажрибаси ва бадиий образларнинг у томонидан қабул қилиниши натижасида асарни ҳақиқий ижро жараёни амалга оширилади.

Диққат: мусиқа санъатида ижрочининг ҳиссий, интеллектуал, ҳаракатга келувчи жараёнлардаги фаолият самарадорлигининг муҳим шартидир. Муסיкий фаолиятнинг барча турлари диққат билан боғлиқ бўлиб, айниқса жамоа бўлиб ижро қилишда у жуда муҳимдир. Яъни оркестрда чалишдан аввал дирижернинг кўтарилган кўллари, ауфтакт, яккахон ва жўрнавоз ўртасидаги ишора ва ҳаракатларнинг ҳаммаси мусиқада диққат деб аталади.

Сезги – инсон организми томонидан эшитиш, кўриш, ҳид билиш, тана сезгиси, таъм билиш ва ҳ.к. аъзолари орқали моддий дунёни англайди.

Идрок: Нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири орқали онгимизда акс этишига идрок дейилади. Сезгида предметнинг алоҳида қисмлари, идрокда эса предметнинг барча таркибий қисмлари бир бутунликда ҳис қилинади. Ўз ижросини эшитган созанда тажрибасига таяниб уни таҳлил қилади ва умумлаштирган ҳолда хулоса ясаб хатоларини тузатиш учун қарши ҳаракатга шайланади.

Тасаввур билимнинг ибтидоси бўлиб, бош мияда (анализ ва синтез асосида) ҳосил бўлади ва тафаккурдан фарқли ўлароқ ижрочи ҳаёлида олдиндан акс этадиган тушунчалар тизими бўлиб, бадиий ижодиётнинг барча турларига хосдир.

Ҳис, туйғу ва ҳаяжон (эмоция): Инсон руҳиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, киши ўзининг ҳаётий фаолияти жараёнида атрофини ўраб турган моддий борлиқ билан доимо мулоқотда бўлади. Бунинг натижасида шоду-хуррамлик, қайғу ва ғам, тўлқинланиш ва ҳаяжон, мағрурлик ва ифтихор, жаҳл ва ғазаб, ҳайратланиш, хафа бўлиш каби бошқа кўплаб майил ва туйғу (*объектив дунёга субъектив муносабат кечинмалари*)лар инсоннинг эмоционал ҳис-ҳаяжон ҳолатини ифодалайди.

Эмоция (*туйғу кечинмаларининг шакли*) ижобий ва салбий турларга бўлинади. Ижобийлари: шоду-хуррамлик, тўлқинланиш ва ҳаяжон, мағрурлик ва ифтихор, ҳайратланиш ва бошқалар. Салбийлари: қайғу ва ғам, жаҳл ва ғазаб, хафа бўлиш кабиларидан ташкил топади.

Муסיкий ифода воситалари: товуш ҳосил қилиш ва унинг акустик асослари, муסיкий товуш, сознинг тозалиги (интонация), товуш туси (тембр), нола (вибрато), усул (ритм), ўлчов, суръат, агогика, артикуляция, динамик белги ва бошқалар киради.

Товуш: физик ҳодиса бўлиб, таранг тортилган жисм (сим, ясси пластинка ва ҳ.к.)нинг ташқи таъсир натижасида механик ҳаракатга келиши - тебраниши натижасида ҳосил бўладиган жараёндир. Табиатда қулоғимиз илғайдиган турли хил товушлар мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам муסיкий товуш деб бўлмайдди. Муסיкий товуш ўзининг тўрт хоссаси, а) бир-бирига нисбатан баланд пастлиги, б) туси (тембри), в) давомийлиги, яъни чўзими, г) кучи билан шовқинли товушлардан фарқ қилади.

Интонация (лотинча - баланд, юқори): Унинг тозалигига эришиш учун аввало созанданинг чолғу асбоби сифатли ишланган ва чалиниб тажрибадан ўтган бўлиши керак. Бундан ташқари товушнинг тоза чиқиши ижрочининг маҳоратига ва кайфиятига ҳам боғлиқ. Шунингдек, чолғудаги кўшимча пардалар (дополнительная аппликатура) ни қўллаш орқали ҳам товушни паст ёки баландлигини мувофиқлаштириш мумкин.

Товуш тембри (тембр фр. — товуш бўёғи, туси, характери) товуш сифатининг муҳим омилларидан бўлиб, ҳар бир инсон овози ва чолғу асбоби товушига хос хусусият.

Вибрато – тўлқинлатиш, товуш ноласи: товуш сифатини бойитувчи омиллардан бўлиб, у товушга ўзига хос жозиба бахш этади ва гўё уни қиздириб жонлантиради.

Товуш кучи: Тебраниш ҳаракатининг кенглиги ва кучига боғлиқ. Яъни товуш ҳосил қилувчи мембрананинг тебраниш миқёси – амплитудаси қанча кенг ва кучли бўлса товуш ҳам шунча кучаяди. Динамик ўзгаришларни уч асосий гуруҳга тақсимланади:

а) турғун, яъни ўзгармайдиган;

б) аста-секин ўзгарувчан, поғонама-поғона кучайиб ёки пасайиб боровчи турлари мавжуд: кучсиздан (пастдан): ***pp-p-mp-mf-f-ff*** кучлига ва аксинча кучлидан ***ff-f-mf-mp-p-pp*** сусайиб боровчи;

в) карама - қарши - тафовутли (контрастный) ***p-f***, ***pp-ff*** ва унга алоқадор урғулар товуш кучини ошириш ва пасайтириш белгилари сифатида асар моҳиятини очишда хизмат қилади.

Ижрочилик техникаси: Бармоқлар ҳаракати, ижрочилик нафаси, тил ва лабларнинг ҳаракатчанлиги каби омиллар киради.

Ижрочилик ҳолати (исполнительская постановка): чолғу созини қандай ушлаш, уни чалишга ҳозирлаш ва чалиш учун (бутун тана, бош, қўллар, оёқлар, амбушюр) тайёр бўлиш тушунилади.

Штрих (немис. – чизикча, чизги) рассомларда йўғон, ингичка, қалин, тўқ чизикчалар муайян портрет образини очиб берганидек мусиқада ҳам образ яратиш учун штрихлар мавжуд. Штрихлар дастлаб торли - камонли чолғуларда, асосан скрипкачиларда камонни юргизишда турли услублар қўлланила бошлаган. Дамли чолғулар ижрочилари ҳам кўпчилик штрихларни скрипкачилардан ўрганганлар. Шунингдек, дамли чолғуларнинг ўзига хос штрихлари ҳам келиб чиқа бошлаган.

Detache - **деташе** – (французча *detacher* – алоҳида деган маънони билдиради) ҳар бир товуш етарли даражада чўзиб алоҳида ижро қилинади.

Marcato – **маркато** (итальянча «*marcare*» - ажратиб кўрсатиш, урғу бериш) - куч билан урғу берилган товушлар чалинади.

Staccato – **стаккато** (итальянча алоҳида, қисқа-қисқа деган маъноларни билдиради) ҳар бир товуш ярмигача қисқартириб чалинади.

Staccatissimo – **стаккатиссимо** - стаккатога қараганда ҳам қисқа (ёзилган товуш чўзимининг тўртдан бирига қисқаради) *vastaccatissimo* ёзуви билан ифодаланади.

Martele – мартеле (французча «marteler»-чўкичламоқ, зарб урмоқ) бунда товушлар дамли чолғуларда тилнинг ўткир зарби ва кучли нафас босими билан бир хил динамикада алоҳида бўрттириб чалинади.

Tenuto – тенуто –урғу бермасдан ҳар бир товуш охиригача чўзиб ижро қилинади.

Non legato - нон легато - товушлар бир-бирига боғланмасдан чалинади.

Portato - портато - товушлар чўзиброқ бир-бирига боғланган ҳолда ижро қилинади.

Portamento - портаменто - вокал ижрочиличи тажрибасидан олинган штрих бўлиб, товушдан товушга енгил, нозик сирпаниб ўтишни ифодалайди.

Legato – легато - (итальянча боғлиқ деган маънони билдиради).Бу штрихда товушлар бир-бири билан узлуксиз боғланиб келади.

Legatissimo – товушларнинг янада кўпроқ боғлиқлигини талаб қиладиган штрих.

Glissando – глиссандо – куйнинг сирпанчик ҳаракати.

Артикуляция барча штрих ҳаракатлари орқали (маълум куй жумласи ёки фразасида) эришилган натижалар йиғиндиси бўлиб, муайян штрихлар асосида куйнинг барча ифода воситалари (темп, ритм, динамика, регистр)нинг ҳам мутаносиб ва мувофиқ равишдаги иштирокини таъминлашига артикуляция дейилади.

Булар: турли тарелкалар, қайроқ, сафойил, учбурчак (треугольник), қутича (коробка), ксилофон ва бошқалар.

Ривожланувчи ёки қиёсий эшитиш қобилияти: созандага бир товушни эшитгандан сўнг бошқалари билан таққослаган - қиёслаган ҳолда баландлигини аниқлайди.

Мутлақ (абсолют) эшитиш қобилияти бор созанда эса товуш баландлигини тўғридан - тўғри бошқалари билан таққосламасдан аниқ айта олади.

Зоҳирӣ (ташқи) эшитиш орқали яккахон созанда, ҳофиз, ансамбл ёки оркестр томонидан ижро қилинган асарни барча жиҳатлари: баландлиги, тембри, усули ва мусиқий матнини англаб олади. Маълумки бундай устозона услуб шарқ халқларида жуда кенг тарқалган бўлиб, қадимдан отадан болага, устоздан шогирдга айниқса мусиқий мерос намуналари оғзаки, яъни эшитиш-тинглаш орқали амалга оширилган ва бизгача етиб келган.

Ботиний (ички) эшитиш: Бунда инсоннинг ички туйғуси, яъни олдин эшитилган, қулоғига таниш бўлган ҳаёлидаги асар кўзда тутилади. Бу ҳиссиёт бешта жиҳатда намаён бўлади:

- а) олдин кимнингдир ижросида эшитилган ва хотирага ўрнашиб қолган мусиқий образлар;
- б) ўзи қачонлардир ижро қилган асар ёки қуй қисмини хотирлаш;
- в) асарни нотадан чолғу асбобисиз ўқиган ҳолда садоланишини тасаввур қилиш;
- г) чалиш ёки ўқувчига тушунтириш учун асар ва унинг қисмлари композициясини ҳаёлда шакллантириш;
- д) ижро жараёнида бирданига тайёргарликсиз (экспромт) бадиҳа (импровизация), намуд (кўриниш), авж, (гул партав) ёки янги қисмлар ижод қилиш.

Ботиний ва зоҳирӣ эшитиш йиллар ўтиши билан билим, тажриба, малака ошгани сайин ривожланиб, сайқалланиб боради. Шунинг учун ҳам таълимнинг биринчи қадамларидан бошлаб мусиқий эшитишни ва эшитиш назоратини ривожлантириш ўта муҳимдир.

Мусиқий хотира - инсон руҳий жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири ёд олиш ва хотирада сақлаш бўлиб, унинг моҳияти эсда сақлаб қолиш ва зарур пайтда ўша хотирадагиларни маълум бир восита орқали юзага чиқариш-намаён қилиш ҳисобланади.

Хотира турлари:

- а) товуш баландлиги, кучи, тембри, лад тизими, усули, оҳангдошлиги, қуй ва кўшиқ шаклини эсда сақлаш билан боғлиқ хотира турлари;

- б) инсон қиёфаси, табиат манзараси, буюм намунаси, бирор образ, нота ёзуви, уларнинг чўзими, турокланиши ва бошқаларнинг қоғозда – ёзувда, экранда ифодаланиши кўзда муҳрланади ва кўриш хотирасига киради;
- в) турли ҳаракатларни эслаб қолиш ва уни қайтариш (дирижерлик, рақс, пантомима ва ҳ.к.), чолғу асбобини тана сезги органлари (лаб, қўл ва бармоқлар, нафас органлари ҳаракати ва ҳ.к.) сезиб эслаб қолиниши сезги-ҳаракат хотираси;
- г) эснаш, кулиш, йиғлаш, лаззатланиш, таъсирланиш, эмоция туйғуларини эсга олиб ўзида акс эттириш ҳис-ҳаяжон хотираси;
- д) ҳикоя, роман, шеър, мақол, топишмоқ ва бошқалар сўз-мантиқ хотираси турларига киради.

Хотирани янада мустаҳкамлаш учун устоз созандалар (Г.Г.Нейгауз) томонидан муסיқий асарни ёд олишда қуйидагича йўл тутилиши уқтирилади:

- а) асарни нота билан чолғу асбобида чалиб эсда сақлашга ҳаракат қилиш;
- б) нотасиз чолғуда ёддан чалиш;
- в) чолғу асбобисиз нотага қараб кўриш орқали кўз хотирасида мустаҳкамлаш;
- г) нотасиз ва чолғу асбобисиз ҳаёлдан ўтказиш орқали муסיқий хотира мустаҳкамланади.

Муסיқий хотира мустаҳкам бўлиши учун нафақат ақлий хотира (қувваий ҳофиза), балки, «қалб хотираси» зарурлигини кўпчилик олимлар таъкидлашади.

Усул сезгиси муסיқий асарларнинг тузилишида энг асосий омиллардан бири бўлиб, ижрочилик жараёнида катта аҳамиятга эга. У инсон организми билан табиатдаги ўзаро ўлчов ва ритмик боғлиқлик ҳамда мутаносибликни ифодалайди. Бунда инсоннинг юрак уриши, нафас олиши, қадам ташлаши, ҳиссий (эмоционал) ҳаракат сезгилари табиатининг барча жиҳатлари билан боғлиқдир.

Rubato — лотинча – ўғирланган, ноталарнинг чўзим миқдори аниқ сақланмагани ҳолда ижрочининг хоҳиши бўйича кенгайтириб ёки қисқартириб ижро қилиш.

Agogika — лотинча - юргизиш, эргаштириш. Мусиқа ижрочилигидаги бадиий ниятни кўзлаб асар суръатини бироз ўзгартириш, яъни тезлатиш ёки секинлатишни билдиради.

Гаммалар чалиш тамойиллари:

- а) гаммаларнинг турлари диатоник, мажор, минор, табиий, гармоник, мелодик, хроматик ва бутун тонлардан тузилганлари;
- б) барча гаммаларнинг асосий пардаларидан тузилган уч товушликлари ва уларнинг айланмалари, D7 ва унинг айланмалари, кичрайтирилган етакчи VII7 ва унинг айланмалари ҳамда уларнинг асосий тонликка ечилиши;
- в) гамма чалишда чолғу асбобининг тўлиқ товуш кўлами (диапазони)ни қамраб олиниши;
- г) ҳар хил ритмик кўринишда, яъни гамма икки октава чалинса квартоллар билан, икки ярим ёки уч октава чалинса триоллар билан шаклланади.

Арпеджиолар икки ва уч октава оралиғида триоллар билан икки ярим октава оралиғида квартоллар билан, D7 ва кич. VII7 лар икки ва уч октава оралиғида квартоллар (икки ярим октава оралиғида чалинмайди) билан чалинади.

Асосий тонлик арпеджиоси айланмалари триол ва квартол шаклида ҳам чалинади. D7 ва кич. VII7 лар эса квартол шаклида ижро қилинади;

- д) гаммаларни *detache*, *legato*, *staccato*, *marcato*, *portato* каби турли штрихларда ифодалаш;
- е) *f*, *p*, *sf*, *fp* каби ҳар хил динамик белгилар билан чалиш;
- ж) турли аппликатурани қўллаган ҳолда ижро этиш билан ижрочилик маҳорати ривожлантирилади.

Соната чолғу муסיқасининг йирик шаклдаги асари сифатида буюк полифониячилар Г.Гендел ва И.С.Бах ижодида салмоқли ҳиссани ташкил қилади. Соната XVIII асрга келиб етилди ва ўз ўрнини топди.

Соната Вена классиклари (Гайдн, Моцарт, Бетховен) чолғу асарларининг етакчи шаклларида бири бўлиб қолди.

Сонатанинг кейинги ривожини Шуберт, Шуман, Лист, Брамс, рус композиторларидан Глинка, Чайковский, Бородин, Скрябин, Рахманинов ва шунингдек XX аср композиторларидан Онеггер, Барток, Пуленк, Хиндемит, Мясковский, Прокофьев, Шостакович, ўзбек композиторларидан Г.Мушель, Т.Қурбонов ва бошқаларнинг ижодида кузатамиз.

Соната тарихий ривожланиши давомида ўзининг мазмуни, гармоник тили, куй йўналиши, метроритми каби нафақат ички жиҳатлари балки, ташқи, яъни қисмлари ва шаклининг бутун тузилиши билан ҳам қисман ўзгаришларга учради.

Концерт муסיқий чолғу асбоби ифода воситаларининг турли жиҳатларини ва созанданинг маҳоратини яққол очиб берадиган жанрлардан ҳисобланади.

Концерт жанри XVII аср охирига келиб гомофон муסיқанинг пайдо бўлиши билан, яъни жўрнавон оркестрга ҳамоҳанг яққалон чолғуни ҳам кўрсатиш зарурлиги натижасида ушбу жанрнинг энг ривожланган турлари яратила бошланди.

Классик ва замонавий концертларнинг энг яхшиларида фикрнинг кенг кўламлилиги, муסיқий образларнинг ёрқинлиги, куйнинг жозибаси, мавзунинг симфоник тарздаги ривожини, оркестр ва яққалоннинг бир бири билан юксак маҳоратли мулоқоти каби сифатлар кузатилади. Буларга Бетховеннинг фортепиано учун бешта, скрипка учун битта концерти, Мендельсон, Чайковский ва Хачатурянларнинг фортепиано учун, Брамс, Лист, Шуман, Григ, Чайковский, Рахманинов ва Прокофьевларнинг виолончел учун, Дворжак ҳамда Шостаковичларнинг симфония-концертлари ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

2.5. Фан мавзулари юзасидан тақдимотлар

1-тақдимот:

Ўзбекистон давлат консерваторияси
“Халқ чолғуларида ижрочилик”
кафедраси

“Ғижжак чолғусида чап қўл ҳолати”

Тузувчи: доцент Қ.Н.Назиров



* Чап қўл ҳолати

* Постановка-ижро пайтида чолғуни тўғри ушлаб ҳаракат қилиш ҳолатидир. Баъзан созандаларда шаклланган постановкада камчилик ва хатолар учрайди. Унг ёки чап қўл нотўғри ҳаракатга ўрганган ҳолатлари ҳам кузатилади.

Тўғри



* Ўнг ёки чап қўл нотўғри ҳаракатга ўрганган ҳолатлари ҳам кузатилади. Бунинг сабаби талабалар турли мактабларда тарбияланиб келганликларидадир. Тўғри, баъзан олдинги шаклланган постановкани тўғрилашга ҳаракат қилиш салбий оқибатларини кўрсатиши мумкин. Аммо, тузатиш мумкин бўлган хато ва камчиликлар ҳам учрайди. Албатта бундай хатоларни кечиктирмай тўғрилаш зарур.

Нотўғри



2- такдимот:

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ “ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК” КАФЕДРАСИ

“Ғижжак чолғусида ўнг қўл
ҳолати”



Тузувчи: доцент Қ.Н.Назирова

*Ўнғ қўл ҳолати

*Ўнғ қўл фаолиятида ҳам нотўғри постановка аломатлари, масалан, қўлнинг елка ва билак қисмлари кўтарилиб ёки пастга тушиб кетиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Ижро пайтидаги тордан торга ўтишларда, енгил штрихларни чалиш вақтида бу ҳол ўз салбий томонларини кўрсатади.

Тўғри



Нотўғри



Айтмоқчимизки, бундай тўғрилаш мумкин бўлган хатоларни тузатиб, албатта яхши натижаларга эришиш мумкин.

3- тақдимот:

Ўзбекистон давлат консерваторияси
“Халқ чолғуларида ижрочилик”
кафедраси

“Анъанавий ижрода ўнг ва
чап қўл ҳолатлари”



Тузувчи: доцент
Қ.Н.Назиров

* Анъанавий ижрода ўнг ва
чап қўл ҳолатлари

* Анъанавий ижрочиликда ҳам постановка, яъни ижро пайтида созанда чолғуни тўғри ушлаб ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга. Чап қўлнинг тирсаги ғижжакнинг косасига таянч бўлиши мақсадида қўйилади. Шунда чап қўлнинг бармоқлари чолғу дастасида эркин ҳаракат қила олади. Чап қўл бармоқлари ғижжак дастасига бироз ёни билан босилади, қуйидаги расмда кўрсатилганидек.



- Ўнг қўл билан камон анъанавий ижрочиликка мос тарзда ушлаб ҳаракатлантирилади. Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғини камоннинг ёғоч қисмига, бошмалдоқни эса колодка, яъни камоннинг ёлларини (қиллари) бирлаштириб турувчи қисмига қўйиб ушланади. Ўрта ва номсиз бармоқлар ёрдамида созанда камоннинг ёлларини ўзи томонга тортиб ушлайди. Бу эса ўз ўрнида ижронинг динамикасини бошқаришда жуда қул келади, яъни баланд овозда ижро этиш лозим бўлса ўрта ва номсиз бармоқлар камоннинг ёлларини қаттиқроқ тортиб, паст овозда ижро этиш керак бўлса куч билан тортмасдан, секин ҳаракат қилинади.



2.6. Хулоса ва тавсиялар

Битирув малакавий ишни Кириш қисмида айтганимиздек ҳозирги кунда ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол, замонавий билимлар эгаси бўлиб етишиши учун Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз томонидан жула кенг имкониятлар яратилган. Ёшларимиз ҳар соҳада олға қадам ташлаб дадил ҳаракат қилишяпти. Жаҳон кўз ўнгида ўз иқтидорларини, эришган ютуқларини намоиш этиб катта-катта натижаларга эришишмоқда. Албатта бу жараён мамлакатимизнинг ҳозирги куни ва келажаги учун ўз ижобий таъсирини кўрсатади, ўзбек халқини янада обрўсини ҳамда мавқеёини баланд кўтаради.

Ёшларимизни бундай кўрсаткичларга эришишида албатта Олий таълим муассасаларидаги фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг хизматлари катта. Айтмоқчимизки, педагог кадрлар кундан-кунга ўз касбий

махоратларини ошириб, янги, замонавий технологиялар ва услубларни, яхши ўзлаштириб, ўз меҳнат фаолиятларида қўлламоқдалар. Шунга қараб талабаларнинг дарс ўзлаштиришлари янада мустахкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарорига мувофиқ Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида педагогик амалиётни ташкил этиш ҳамда ўтказишни шакллантириш йўлга қўйилмоқда. Раҳбар ва педагог кадрлар илғор хориж технологияларини ўзлаштириши, чет тилларини ўрганишлари, ахборот технологияларидан яхши фойдалана олишлари, касбий маҳоратларини ошириб боришлари албатта Олтин Ватанимиз равнақи учун хизмат қилади.

Санъатнинг мусиқа ижрочилиги соҳасида ҳам мазкур битирув малакавий ишида айтиб ўтилганидек мусиқий асарларни чуқур, ҳар томонлама мулоҳаза юритиб, ҳам назарий, ҳам шаклан барча керакли томонларини таҳлил қилиб, дарслар кетма-кетлиги тизимида ўрганиш яхши самара беришига ишонч ҳосил қилдик. Демак, доим ҳар қандай мусиқий асарларни ўрганишда ҳар томонлама, тажрибадан, синовдан ўтган услуб, методлар ва илғор технологиялар ёрдамида ўзлаштириш тавсия этилади. Истардикки, малакавий ишда муаллиф, яъни тингловчи томонидан очиб берилган мавзулар, кўрсатилган услублар профессор-ўқитувчиларга ва ўқиб ўрганаётган талабаларга қўлланма сифатида хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат!

**Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институти хузуридаги педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ
маркази тингловчиси Назиров Қахрамон Нурмухамедовичнинг”
Ғижжак ижрочилиги” номли битирув-лойихавий ишига
ХУЛОСА**

Қахрамон Назировнинг кўп илмий-ижодий ишлари билан кафедра мудири сифатида жуда яхши танишман. Унинг муаллифлигидаги кўпгина ўқув қўлланмалар ва дарсликларнинг баъзиларида масъул муҳаррир, баъзиларида тақризчи сифатида қатнашганман. Қахрамон Назировнинг “Ғижжак ижрочилиги”- битирув-лойихавий илмий иши раҳбарлигим ва назоратим остида тайёрланди. Аввал ғижжак синфи шаклланиши, унга қўйилган талаб ва вазифалар ҳақида сўз бориши созанда тарбиясидаги бош мақсад эканлиги яна бир бор таъкидланган. Битирув малакавий иши талаб қилинган шакл кетма-кетлигида, боблар ва пунктлар тартибига риоя қилинган ҳолда бажарилган. Мен кўпроқ иккинчи боб, иккинчи пункт “Маъруза матни” бўлими тўғрисида тўхталмоқчиман. Бу бўлимни “Амалий машғулотлар ишланмаси” деб аталди, чунки чолғу ижрочилиги мутахассиси эканлигимиз шу қарорга келишимизни тақазо этади. Муаллиф томонидан яратилган бу лойихавий ишнинг шу кунгача яратилган бошқа илмий ишлардан фарқи шундаки, ундаги маълумотлар дарслар кетма-кетлиги тарзида қилиб берилган. Мавзу айнан олий мусиқа таълими муассасалари талабалари учун мўлжалланган. Яна шу ўринда созанданинг илгари ўзлаштирган билим ва кўникмаларини бироз эслатиб, қайтариш, мустаҳкамлаш тарзида берилган. Айнан шу орқали малакавий ишда келтирилган келгусида талабалар ўрганиши зарур ва муҳим бўлган кенгроқ ҳамда мураккаброқ маълумотларни ўзлаштириш учун тайёрлаб йўл очилган. Созанда фаолиятида жуда муҳим бўлган ижрочилик техникасига оид келтирилган атрофлича ва муҳим маълумотлар билан бойитилган дарслар яққол кўриниб турибди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, малакавий ишда келтирилган композитор Сайфи Жалилнинг ғижжак учун ёзилган концерти шаклан таҳлилий, ўрганиш учун услубий кўрсатмалар билан тавсия этилган. Бу албатта асарларни ўрганишда талабалар учун жуда қўл келади.

Қахрамон Назиров ўзбек миллий куйларини нота ёзувига олиш борасида ҳам анча тажрибага эга ва унинг бу борадаги бир нечта илмий ишлари нашр қилинган. Муаллиф томонидан кашф этилган, ўзбек миллий мусиқасида муҳим ўрин тутадиган чорак пардаларга таалукли нимдиез ва нимбемоль белгилари тўғрисида дарслар келтирилган. Илмий ишда Қахрамон Назиров томонидан ўзбек миллий мусиқа ижрочилигига монанд безаклардан фойдаланиб нота ёзувига олинган “Бузрук” мақомидан “Насри уззол” ижро этиш учун зарур кўрсатмалар билан берилган. Кўриниб турибдики, мазкур лойихавий иш олий мусиқа таълими муассасаларида таҳсил олаётган талабалар учун кўп томонлама фойдали зарур маълумотлари билан қўл келади деган умиддаман.

**Илмий раҳбар: Ўзбекистон Давлат консерваторияси “Халқ
чолғуларида ижрочилик” кафедраси мудири, профессор**

А. К. Лутфуллаев

**Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институти ҳузуридаги педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ
маркази тингловчиси Назиров Қахрамон Нурмухамедовичнинг”
Ғижжак ижрочилиги” номли битирув-лойихавий ишига**

ТАҚРИЗ

Қахрамон Назировнинг бир неча илмий-ижодий ишлари билан танишман. Булардан: “Ойбулоқ” (Абдуҳошим Исмоиловнинг куй ва кўшиқларини нотага олиб тузилган тўплам), “Абдуҳошим Исмоилов”, “Ғижжакда ўзбек миллий куйларини ўзлаштириш”, А. Григоряннинг “Скрипка учун гаммалар ва арпеджиолар” – (рус тилидан ўзбек тилига таржима), “Ғижжак” (олий мусиқа таълими муассасалари учун) каби ўқув қўлланмалари ва қатор илмий мақолаларини яхши биламан. Эндиликда муаллиф кенг қўламдаги мураккаброқ, йирик илмий ишга қўл урган. Битирув малакавий иши дарслик сифатида олий мусиқа таълими муассасадари учун мўлжалланган бўлиб, унда ижрочилик техникасига оид маълумотлар ва бадиий асарларни ўрганиш ҳамда ўргатиш дарслар кетма-кетлиги тарзида берилган. Кириш қисмида муаллиф ғижжак синфининг шаклланиши, талаб ва вазифалари тўғрисида батафсил тўхталган. Олий мусиқа таълими муассасаси талабалари учун машғулотларни нималардан бошлаш, яъни постановка камчиликларини тўғрилаш мумкинлиги тўғрисида, ижрочилик техникасининг ўсишига хизмат қиладиган аниқ маълумотлар (штрихлар, аппликатура, вибрация кўникмалари) ҳақида дарслар берилган. Малакавий ишда композитор Сайфи Жалилнинг ғижжак ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ёзилган концертини шакл жихатидан таҳлил қилиб, ўзлаштириш учун услубий кўрсатмалар билан кенг қамровли қилиб берилган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, концерт жанрининг шаклланиш тарихи ҳақида ҳам тўхталган. Бу эса ўз ўрнида талабаларнинг илмий салоҳиятини ўсишида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур дарсликда муаллиф ўзбек миллий куйларини ўзлаштириш бўйича ҳам назарий ва амалий дарслар келтирган. Қахрамон Назиров ўзбек миллий куйларини нотага олиш борасида анча тажрибага эга. Битирув лойихавий ишида у томонидан нота ёзувига олинган “Бузрук” мақомидан “Насри уззол” ўзлаштириш учун зарур тавсиялар билан берилган. Кўриниб турибдики, малакавий иш олий мусиқа таълими муассасалари талабалари учун кўп томонлама фойдали, қимматли маълумотлари билан хизмат қилади.

**Такризчи: Ўзбекистон Давлат консерваторияси
“Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси
Профессори**

Ж. А. Ибрагимов